

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil.02.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

НАВОИЙ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

ДАНИЯРОВ БАХТИЁР ХУДАЙБЕРДИЕВИЧ

**ЎЗБЕК ТИЛИ ЛЕКСИК СИНОНИМЛАРИНИНГ ЛИСОНИЙ ВА
НУТҚИЙ МУНОСАБАТИ, ЛЕКСИКОГРАФИК ТАДҚИҚИ**

10.00.01 – Ўзбек тили

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2020

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Content of the abstract of doctoral (DSc) dissertation

Данияров Бахтиёр Худойбердиевич

Ўзбек тили лексик синонимларининг лисоний ва нутқий муносабати,
лексикографик тадқиқи..... 3

Данияров Бахтиёр Худойбердиевич

Лингвистические и речевые отношения, лексикографическое исследование
лексических синонимов узбекского языка 33

Daniyarov Bakhtiyor Khudayberdievich

Language and speech interrelation of lexical synonyms of the Uzbek language and
their lexicographic study 63

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 67

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil.02.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАВОИЙ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

ДАНИЯРОВ БАХТИЁР ХУДАЙБЕРДИЕВИЧ

**ЎЗБЕК ТИЛИ ЛЕКСИК СИНОНИМЛАРИНИНГ ЛИСОНИЙ ВА
НУТҚИЙ МУНОСАБАТИ, ЛЕКСИКОГРАФИК ТАДҚИҚИ**

10.00.01 – Ўзбек тили

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2020

Докторлик диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.3.DSc/Fil178 рақами билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Навоий давлат педагогика институтида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз) Илмий кенгаш веб-саҳифасининг www.samdu.uz ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали www.ziyo.net манзилига жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	Маҳмудов Низомиддин Мамадалиевич филология фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Элтазаров Жўлибой Данабоевич филология фанлари доктори, профессор Менглиев Бахтиёр Ражабович филология фанлари доктори, профессор Турниёзов Неъмат Қаюмович филология фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Урганч давлат университети

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги илмий даражасини берувчи DSc.03/30.12.2019.Fil.02.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил “___” _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (8366) 239-11-40, 239-18-92; факс: (8366) 239-11-40; e-mail: rector@samdu.uz Самарқанд давлат университети, Бош ўқув биноси, 105-хона).

Диссертация билан Самарқанд давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (8366) 239-11-40, 239-18-92; факс: (8366) 239-11-40.

Диссертация автореферати 2020 йил “___” _____ кун тарқатилди.
(2020 йил “___” _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси).

М.Қ.Мухиддинов,
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

А.Б.Пардаев,
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, филол.ф.д.

А.Э.Маматов,
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол.ф.д., профессор

КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида маълум бир тилни ўзига хос миллий, тарихий хусусиятларидан келиб чиқиб тадқиқ этиш муҳим омиллардан ҳисобланади. Асосли тарзда лексик синонимларни ўрганиш жараёнида турли ва бир-биридан фарқли ёндашувлар юзага келганлигини, бир-бирини инкор этмайдиган, балки бир-бирини тўлдирадиган қиёсий-тарихий, систем-структур, антропоцентрик каби парадигмалар асосида илмий-назарий қарашлар ва методларга таянган ҳолда тадқиқотлар олиб бориш зарур деб қаралади. Лексик синонимларнинг лисоний ва нутқий муносабатини тадқиқ этиш тилшуносликнинг шиддат билан тараққий этиб бораётган прагмалингвистика, семасиология, корпус лингвистикаси каби соҳаларининг ривожланишини белгилаб бермоқда.

Дунё тилшунослигида сўзнинг нафақат семантикаси, балки сўз ва муайян субъект нутқи ўртасидаги боғлиқлик, унинг прагматик мазмуни, баҳолаш муносабати, миллий-маданий жиҳатларига асосий эътибор қаратилди. Натижада тил ва тафаккур, сўз маъноси, семик муносабатлар муаммоларини концептлаштириш орқали билимнинг турли структураларини шакллантириш ва уларни тилда намоён қилишга кенг имкониятлар яратилди. Тил воситаларидан амалий фойдаланиш самарадорлигини таъминлашда синонимларни миллий тил характеридан келиб чиқиб, илмий текширишни кун тартибига қўймоқда. Синоним лексемалар ўртасидаги семантик ҳамда прагматик муносабатларни тадқиқ этиш бугунги тилшуносликнинг долзарб масалалардан бири саналади.

Мустақиллик туфайли ўзбек тилшунослиги жадал ривожланиш босқичига кўтарилди, миллий-маданий омилларнинг аҳамияти фаннинг турли соҳаларидаги кўплаб тадқиқотларнинг кўламини кўтаришни устувор вазифа сифатида белгилаб берди. “Миллий ўзлигимизни англаш, Ватанимизнинг қадимий ва бой тарихини ўрганиш, бу борада илмий тадқиқот ишларини кучайтириш, гуманитар соҳа олимлари фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашимиз лозим”¹лиги ҳар қандай назарий изланишларнинг амалий натижаларини назарда тутати. Ўзбек тили лексик синонимларининг лисоний ва нутқий муносабатини, хусусан, синонимик қатор лексемаларининг таркиби, структураси, парадигматик муносабатлари, семантик кўлами, нутқий мавқеи, синонимияда ўзлашма сўзлар масаласи, улардаги прагматик мазмун, синонимларни унификациялаш ва тартибга солиниши, мавжуд луғатларда уларнинг берилиши, шунингдек, ўзбек тилшунослиги олдида янги синонимик луғат тузиш масаласи кўндаланг турганлигидан далолат беради. Шу нуктаи назардан, синонимик қаторларнинг ҳозирги пайтда истеъмолда кенг қўлланилиши, бироқ ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғатидан ўрин олмаганлиги, ушбу лексик

¹Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2018 йил 28 декабрдаги «Тараққиёт йўлимизнинг шиддати янада ошаверади» мавзусидаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Халқ сўзи, 2018 йил, 29 декабрь.

синонимларнинг нутқий ва лисоний муносабатлари кўп аспектли комплекс таҳлил қилинганлиги, функционал-стилистик ва деривацион хусусиятларининг кенг ўрганилганлиги ишнинг долзарблиги ҳамда муҳимлигини исботлайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 февралдаги ПФ-2789-сон “Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори, 2019 йил 4 октябрдаги ПҚ-4479-сон “Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили ҳақидаги” Қонуни қабул қилинганлигининг ўттиз йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, 2020 йил 24 январдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси ҳамда бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар тараққиётининг I “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи.¹ Жаҳон тилшунослигида лексик синонимларнинг турли жиҳатларини ўрганишга йўналтирилган илмий изланишлар етакчи илмий марказларда ва олий таълим муассасаларда, жумладан, Oxford University (Буюк Британия), Cambridge University (Буюк Британия), Humboldt Universitat (Германия), Boston University, University of New York, University of Pennsylvania, University of California (АҚШ); Indiana University (АҚШ), the University of Sorbonne (Франция), Universitat de Valencia (Испания), University of Zurich (Швейцария), Kiofo University (Япония), Australian National University (Австралия), Москва давлат университети (Россия), Москва давлат лингвистика университети (Россия), Урал давлат педагогика университети, Волгоград ижтимоий педагогика университети, Витебский давлат университети (Беларусь); Харьков давлат педагогика университети (Украина), Baki Dövlət universiteti (Озарбайжон), Қозоқ миллий университети

¹Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи britishcouncil.org; www.bu.edu; americanenglish.state.gov; micros.uz; www.uv.es; www.zora.uzh.ch; cleo@snu.ac.kr; www.u-tokyo.ac.jp/en; www.ras.ru; adwww.ecu.edu.au; unice.fr/en; www.sophia.ac.jp/eng; www.msu.ru; www.vsu.bu; www.education.ua/universities; www.kaznu.kz; www.navoiy-uni.uz ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди.

(Қозоғистон), шунингдек, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети, ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Дунё тилшунослигида нутқнинг системавийлиги, лисоний ва прагматик омилларнинг фикрни шакллантириш жараёнида ўзаро ҳамкорлиги, лексик синонимларнинг лисоний ва нутқий муносабати, лексикографик тадқиқига оид олиб борилган тадқиқотлардан қуйидаги илмий натижалар олинган: лексик синонимлар ва уларда лисоний даражаланиш қонунияти асосланган; тилшуносликда когнитив синонимлар масаласи, яқин маъноли сўзлар, лексик муносабатлар ҳамда синонимик гуруҳлар қатори аниқланган (Cambridge University, Англия; University of Zurich, Швейцария); лексик синонимларнинг лингвопрагматик хусусиятлари ўрганилган (University of Pennsylvania, University of California, АҚШ; Boston University, New York University, АҚШ; Universitat de Valencia, Испания); лексик синонимларнинг нутқий воқеланишида лисоний ва нолисоний омиллар ҳамкорлигини, фарқланиши ва қўлланишини белгиловчи хусусиятлар асослаб берилган (Seoul National University, Корея; Sophia University, Япония); лексик синонимларнинг матн ҳосил қилишдаги услубий имкониятлари очиқ берилган (University of Tokyo, Япония, Australian National University, Австралия, Oxford University Language Centre, Англия); лексик ўзлашмалар ва уларнинг миллий тилдаги эквивалентлари билан синонимик муносабатларининг тартибланиш ва таснифланиш масалалари таҳлил қилинган; изоҳли луғатларда, тил Миллий корпусида лексик синонимларни бериш масаласи асосланган (Урал давлат педагогика университети, Волгоград ижтимоий педагогика университети, Витебский давлат университети, Беларусь; Москва давлат университети, Лингвистик тадқиқотлар институти, РФ); синонимларнинг умумий ва хусусий кўринишлари ёритилган (Харьков давлат педагогика университети, Украина; Bakı Dövlət universiteti, Озарбайжон; Қозоқ миллий университети, Қозоғистон); синонимларнинг прагматик хусусиятлари, коннотатив жиҳатлари тадқиқ қилинган, лексикографик аспектда ўрганилган, ўзбек тилидаги предмет ва белги билдирувчи синонимик қаторлар мисолида градуонимиянинг воқеланиши ўрганилган (Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети, ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти).

Жаҳон тилшунослигида лексик синонимларнинг лисоний хусусиятлари бўйича қатор, жумладан, қуйидаги: лексик синонимларнинг нутқий воқеланишида ёндош сатҳларнинг таъсирини аниқлаш; лексик синонимларнинг семантик ва лингвопрагматик хусусиятларини очиқ бериш; лексик синонимларнинг лисоний ва нутқий муносабатини тадқиқ этиш; Миллий корпусда лексик синонимларни ўрганиш каби устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳозирги ўзбек тили лексикасини синонимлар билан бойитишда, биринчидан, тилнинг тарихий ёки мавжуд захирасидан унумли фойдаланиш, янги ва қулай сўзларни ясашга эътибор қаратиш муҳим бўлса; иккинчидан, тилимизнинг ички тараққиёт

қонунларига мос келадиган ўзлашма сўзларни қабул қилиш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Синонимия масаласи тилшуносларнинг доимий диққатини тортиб келган. Сўз лексик-семантик структураси унинг контекстдаги лексик қуршовига, шунингдек, маъно кирралари фаоллашуви даражасига боғлиқлиги нутқда доимий ва зарурий бўлишини, сўз лексик маъноларида парадигматик муносабат семантик нуқтаи назардан текширилганда, сўзларнинг маъно жиҳатдан бир хиллиги – синонимияда ўз аксини топишини тадқиқ этиш масалалари жаҳон ва рус тилшунослиги¹, туркийшунослик² ва ўзбек тилшунослигида кенг ўрганилган³. Аммо тилшуносликда бирдан ортик сўзнинг маъно муносабати айнан бир хилликка асосланган синонимлар – абсолют синонимлик⁴ ва бу мавзудаги мунозаралар¹, хусусан, семантик

¹ Бодуэн де Куртенэ И.А. Избранные труды по общему языкознанию. - М., 1963. Т.1. – 391 с.; Кацнельсон С. Д. Содержание слова, значение и обозначение. - М. Л.:Наука, 1965. - С. 81-83; Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. - М.:СЭ, 1966. - С.369; Гак В.Г. К проблеме гносеологических аспектов семантики слова. - М., 1971. Т. 1. - С.95; Шмелев Д. Н. Проблемы семантического анализа лексики. -М., 1973. - 274 с.; Гумбольдт В. Избранные труды по языковедению. - М.: Прогресс, 1984. - 389 с. Щерба Л.В. Языковая система и речевая деятельность. -Л., 1974. -304 с.; Апресян Ю.Д. Лексическая семантика. Синонимические средства языка. - М.: Наука, 1974. - С.368; Виноградов В.В. Избранные труды. Лексикология и лексикография. - М., 1977. - 312 с. Соссюр Ф. де. Труды по общему языкознанию. - М.: Прогресс, 1977. - 279 с.; Арнольд И.В. Стилистика современного английского языка. - Л.: Просвещение. 1973. С.129; Попова З.Д., Стернин И.А. Лексическая система языка. – Воронеж, 1984. – 148с.; Брагина А.А. Синонимы в литературном языке. - М.: Наука, 1986. –124 с.; Вольф Е. М. Функциональная семантика оценки. -М.: Наука, 1985. - 228 с.; Телия В.Н. Коннотативный аспект семантики номинативных единиц. - М.:Наука,1986. -142 с.; Уфимцева А.А. Лексическое значение. Принципы семасиологического описания лексики. - М.:Наука, 1986 -241 с.; Гречко В.А. Лексическая синонимия современного русского литературного языка. Саратов, 1987. - 153 с.; Беляевская Е.Г. Семантика слова: Учебн. Пособие. - М.: Высшая школа, 1987. - 128с.; Bergmann R., Strieker S., Pauly P. EinfuhrungindiedeutscheSprachwissenschaft. – Heidelbergi Winter. 2005. -S. 103.

² Болганбаев А. Синонимика имени существительного в современном казахском языке: Автореф. дис. ...канд.филол. наук. - Алма-Ата, 1955. -24 с; Юсипова Р.Р. Лексико-семантические особенности устойчивых глагольных сочитаний в турецком языке: Тюркско-монгольское языкознание и фольклористика. -М.: 1960, 112-132 с; Мескутов В. Синонимы в современном туркменском языке: Автореф.дис. ...канд.филол. наук. - Ашгабад, 1962. - 24 с; Ханбекова Ш.Х. Синонимия в татарском языке: Автореф.дис. ...канд.филол. наук. - Казань, 1962. - 24 с.

³Ҳожиёв А. Ўзбек тили синонимларининг қисқача лугати. -Т., 1969; Исамухамедова С. Синонимы в современном узбекском литературном языке: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. - Ташкент, 1963. - 25 с.; Рахматуллаева М. К вопросу изучения синонимов в языке Алишера Навои: Автореф.дис. ...канд.филол.наук. -Тошкент, 1965. -17 б.; Дониёров А. Ҳозирги ўзбек тилидаги синоним сўзларнинг стилистик функциялари: Филол.фан. ном. ... дис. - Самарқанд, 1967. - 208 б.; Туйчибаев Б. Синонимика именных словосочетаний в современном узбекском литературном языке: Автореф. дис. ...канд. филол. наук. - Т., 1973. - 27с.; Ҳожиёв А. Ўзбек тили синонимларининг изоҳли лугати. - Тошкент: Ўқитувчи, 1974. – 308 б.; Юнусов Р. Полисемия и синонимия имен существительных места в современном узбекском литературном языке: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. - Ташкент, 1974. - Б.18; Гиясов С.Т. Семантическая структура и компонентный анализ качественных прилагательных узбекского языка: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. - Ташкент, 1983 -24 с.; Таджиев Ё. Аффикальная синонимия в узбекском языке. Автореф. дис. ... док. филол. наук. - Т., 1991. - 48 с.; Сайфуллаева Р. Синонимия простых повествовательных предложений в современном узбекском языке. -Т.: Фан, 1991. - 68 с.; Бозоров О. Ўзбек тилида даражаланиш. -Т.:Фан, 1995; Шамсидинов Ҳ. Ўзбек тилида сўзларнинг функционал-семантик синонимлари: Филол. фан. д-ри. дис. ... автореф. -Т., 1999. - 46 б.; Сиддикова И.А. Синонимия как микросистема языка. Монография. - Тошкент, 2008. - С.138;; Вафоева М. Ўзбек тилида фразеологик синонимлар ва уларнинг структурал-семантик тадқиқи: Филол. фан. номз. дис. ... автореф. - Тошкент, 2009. - 26 б.; Жумаева Ф. Полисемем лексемалар доирасидаги синоним ва антоним семалар тадқиқи: Фалс. докт. (PhD) ... дисс. автореф. - Фарғона, 2018. - Б. 53; Раҳмонов Ғ. Ўзбек тилида лугавий синонимия ва градуонимиянинг ўзаро муносабати: Фалс. д-ри. (PhD) ... дисс. автореф. - Фарғона, 2019. - Б.55.

⁴ Сабиров К.С. Лексикология // Современный татарский литературный язык. - М.: Наука. 1969. - С.60; Фомина М.И. Современный русский язык. Лексикология. Изд. 2ое. Испр., допол. - М.: ВШ. 1983. - С. 79;

синонимлар² юзасидан тадқиқотлар амалга оширилган бўлса-да, бу масала мукамал ёритилиб, ўз ечимини тўла топмаган. Айниқса, ўзбек тили синонимлари изоҳли луғатини қайта ишлаб чиқиш, ўзбек тили Миллий корпусида лексик синонимларни бериш билан боғлиқ бир қатор масалаларнинг умумлаштирилган ҳолда махсус тадқиқ этилмаганлиги тилшунослигимизда ушбу мавзунинг монографик планда ўрганиш лозимлигини кўрсатади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот Навоий давлат педагогика институтининг “Ўзбек тилшунослигининг назарий ва амалий масалалари” мавзусидаги илмий тадқиқот режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ўзбек тили лексик синонимларининг лисоний ва нутқий воқеланиши ҳамда лексикографик масалаларини илмий асослашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

- ўзбек тили лексик синонимлари тадқиқотининг фалсафий методологик асосларини ёритиш;

- ўзбек тили лексик тизимида синонимик муносабатни система нуқтаи назаридан асослаш;

- лисоний даражаланиш қонуниятини ўзбек тили лексик синонимлари тадқиқотининг лингвистик методологияси сифатида устувор аҳамият касб этишини илмий далиллаш;

- ўзбек тили лексик синонимларининг лисоний ва нутқий муносабатини комплекс таҳлил қилиш;

- ўзбек тили лексик синонимларининг лингвопрагматик хусусиятларини очиқ бериш;

- ўзбек тили лексик ўзлашмаларида синонимик муносабатларнинг тартибланиш ва таснифланишини таҳлил қилиш;

- ўзбек тили лексик синонимларининг нутқий воқеланишида лисоний ва нолисоний омиллар ҳамкорлигини асослаш;

- ўзбек тили лексик синонимларининг матн ҳосил қилиш ва услубий имкониятларини ўрганиш;

- ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғатини лисоний даражаланиш қонунияти тамойиллари асосида ишлаб чиқиш;

Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. - М.: СЭ, 1966. - С. 407; Бердимуратов Е. Ҳазирги заман қарақалпақ тилининг лексикологияси. - Нокис: Қарақалпақ, 1968. 98-б.; Шанский Н.М. Лексикология современного русского языка. - М.: Просвещение. 1972. - С.56; Абдиев М.Б. Соҳавий лексиканинг систем таҳлили: Филол. фан. д-ри. ...дисс.авторреф. -Т., 2005. - 25 б.

¹Гумбольдт В. Избранные труды по языкознанию. -М., 1963. -325 с.; Шмелев Д.Н. Очерки по семасиологии русского языка. - М.: Просвещение. 1964. - С.140.; Ҳожиев А.П. Синонимия // Ўзбек тили лексикологияси. – Т.:Фан, 1981. -Б.241.; Миртожиев М. Ўзбек тили семасиологияси. -Т.: Мумтоз сўз, 2010. -288 б.

² Гвоздев А.Н. Очерки по стилистике русского языка. - М.: Просвещение. 1965. -С.45; Листвинов В.Т. Вопросы стилистики русского языка. - М.: Мысль. 1965. - С.62; Степанов Ю.С. Основы общего языкознания. 2ое изд.перераб. - М.: Просвещение, 1979. - С. 66.; Кожина М.И. Стилистика русского языка. - М.: Просвещение. 1977. - С.100; Калинин А.В. Лексика русского языка. -М.: Изд.МУ. 1978. - С.48.

- ўзбек тилининг Миллий корпусида лексик синонимларни бериш масаласини асослаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида лексик синонимлар танланган.

Тадқиқотнинг предметини ўзбек тили лексик синонимларининг лисоний ва нутқий муносабати, лексикографик тадқиқи ҳамда уларнинг ўзига хос жиҳатларини ўрганиш ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мавзусини ёритишда диалектик, гипотетик-дедуктив, контекстуал-функционал, дистрибутив дискурсив, синергетик, таснифлаш, тавсифлаш, статистик, қиёсий-тарихий, чоғиштирма, кўп аспектли комплекс таҳлил усулларида кенг фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

лисоний даражаланиш қонунияти ўзбек тили лексик синонимларининг градуонимик методологияси сифатида устувор аҳамият касб этиши “оралик учинчининг мутлақлиги” ҳодисасига таянилган ҳолда асосланган;

ўзбек тилида ўз ва ўзлашма лексемалар синонимик муносабатларининг тартибланиш ва таснифланиши, лексик синонимларнинг ишлатилиши, қўлланиш қўлами, лексик-семантик тузилиши ҳамда бу бирликларнинг турли луғатларда адекват акс эттирилиши фактик материаллар асосида далилланган;

ўзбек тили лексик синонимларининг нутқий воқеланишида лисоний ва нолисоний омиллар ҳамкорлигининг ўзига хос антропо-прагматик жиҳатлари очиқ берилган;

синонимларнинг лисоний ва нутқий муносабатлари кўп аспектли комплекс таҳлил қилиниб, лексик бирликларнинг функционал-стилистик ва деривацион хусусиятлари аниқланган;

сўзнинг лексик-семантик маъноси уни ўраб турган лексик қуршов ва контекст семантикасига боғлиқлиги, лексемаларнинг семантик структурасида янги семик компонентларнинг ҳосил бўлиш жараёни ҳамда бунга сабаб бўлувчи парадигмаларнинг етакчи омил бўлганлиги исботланган;

ўзбек тили Миллий корпусида лексик синонимларнинг семантик хусусиятларини аниқлаш мақсадида компьютерлаштирилган дастурий таъминот асосида жойлаштирилган, он-лайн ёки офф-лайн тизимида ишлайдиган қидирув дастурини мукаммаллаштириш жараёни асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

илмий тадқиқот натижалари ўзбек тилшунослигида ва, умуман, лексикологияда синонимларнинг лисоний ва нутқий муносабатини кўп аспектли комплекс таҳлил қилишда, лисоний сатҳ ҳамда нутқий сатҳ ҳодисаларини ўрганишда қўлланадиган методларни аниқлашда амалий аҳамият касб этган;

диссертация материаллари лексикография соҳасида, шунингдек, ўзбек тилининг мавжуд синонимик луғатида қайд этилмаган синонимик қатор лексемаларининг семантик структураси, деривациявий ҳамда функционал-стилистик имкониятларини очиқ беришда муҳим манба бўлиб хизмат қилган;

тадқиқот натижалари асосида ўзбек тили синонимлари изоҳли луғатининг янги авлодини яратиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқ қилинган ёндашув, усуллар ва назарий маълумотларнинг илмий, публицистик ҳамда бадиий манбалар талқини асосида далилланганлиги, келтирилган таҳлиллар диалектик, гипотетик-дедуктив, контекстуал-функционал, дистрибутив дискурсив, синергетик, таснифлаш, тавсифлаш, статистик, қиёсий-тарихий, чоғиштирма, кўп аспекти комплекс таҳлил усуллари воситасида асосланганлиги, назарий фикр ва хулосаларнинг амалиётга кенг жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, ўзбек тили лексик синонимларининг лисоний ва нутқий воқеланишини янгича методология асосида илмий тадқиқ этишда, ўзбек тилшунослиги, хусусан, лексикология, семасиология ва стилистика соҳасида қўлга киритилган ютуқлардан фойдаланиб, лексик синонимларни комплекс тадқиқ этишнинг жамланма методикасини ишлаб чиқишда, лексик синонимларнинг ишлатилиши, қўлланиш қўлами, лексик-семантик тузилиши ҳамда бу бирликларнинг турли луғатларда адекват акс эттирилиши муаммосини ечишда, ўзбек тилининг Миллий корпусида синонимларни бериш масаласини ёритишда ва ўзбек тили синонимларининг янги луғатини яратишда муҳим аҳамиятга эга.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, келтирилган таҳлиллар, мавжуд материаллар ўзбек тилшунослиги истиқболи учун, қолаверса, таълимнинг барча бўғини, хусусан, олий таълимдаги “Ҳозирги ўзбек адабий тили”, “Ўзбек тили тарихи”, “Семасиология”, “Нутқ маданияти”, “Матн лингвистикаси” ва “Нотиқлик санъати” ўқув курсларини такомиллаштиришда, қиёсий-тарихий, систем-структур ҳамда тилшунослик бўйича янги – антропоцентрик парадигманинг прагматика, лингвокультурология каби соҳаларини ривожлантиришда, луғатлар тузишда, нутқнинг коммуникатив сифатларини таъминлаш механизмларини ишлаб чиқишга доир услубий ва ўқув қўлланмалар, монографиялар яратишда, янги тадқиқотларнинг назарий ва амалий бойитилишида хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбек тили лексик синонимларининг лисоний ва нутқий муносабати, лексикографик тадқиқи бўйича олинган илмий натижалар асосида:

ўзбек тили изоҳли луғатларида синонимлар тавсифи ва уни такомиллаштириш вазифалари, тадқиқ жараёнида ишлаб чиқилган, илмий асосланган, такомиллаштирилган усуллари ва унинг тил тараққиётидаги ўрни, хусусан, синонимларнинг лисоний ва нутқий муносабатига оид назарий хулосалари ФА-Ф1-Г041-рақамли “Ўзбек тили лексикаси ва терминологиясининг мустақиллик даври тараққиётини тадқиқ этиш” мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 7 ноябрдаги 89-03-4329–сон маълумотномаси). Тадқиқотнинг илмий натижалари тегишли луғавий

бирликларнинг (архитектор, меъмор; нерв, асаб; ноҳия, туман; шифокор, врач) таҳлили ва изоҳланишида асос бўлиб хизмат қилган;

Ўзбек тили лексик синонимлари тадқиқининг фалсафий методологик асослари, лексик синонимлар тадқиқининг лингвистик методологияси, синонимларнинг лингвопрагматик хусусиятлари, лексик ўзлашмаларда синонимик муносабатларнинг тартибланиш ва таснифланиши, синонимларнинг нутқий воқеланиши, ўзбек тилининг Миллий корпусида лексик синонимларнинг ўрни масаласини ёритишга оид назарий хулосалардан ОТ-Ф8-062 рақамли “Тил тараққиётининг деривацион қонуниятлари” мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 7 ноябрдаги 89-03-4329–сон маълумотномаси). Илмий натижалар асосида кўплаб луғавий бирликларнинг изоҳлари мукамаллаштирилган;

Ўзбек тили луғавий синонимларининг лисоний даражаланиши, лексик синонимлар тадқиқининг лингвистик методологияси, лексик ўзлашмалар ва уларнинг ўзбекча синонимлари, синонимларнинг нутқий воқеланиши, унда лисоний ва нолисоний омиллар ҳамкорлиги масаласига оид назарий хулосалардан ХТ-Ф-2-004-рақамли “Ўзбек халқ педагогикаси ва фольклор анъаналари” мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 7 ноябрдаги 89-03-4329–сон маълумотномаси). Илмий натижалар лексик синонимларнинг лисоний ва нутқий муносабати, лексикографик тадқиқи жараёнида асос бўлиб хизмат қилган;

лексик ўзлашмалар ва уларнинг ўзбекча синонимлари, ўзбек тили лексик ўзлашмаларида синонимик муносабатларнинг тартибланиш ва таснифланиш муаммоси, изоҳли луғатларда лексик синонимлар тавсифи ва такомиллаштириш вазифалари, ўзбек тили синонимлари изоҳли луғатида маънодош бирликлар тавсифига оид хулосалардан ОТ-А1-018- “Ўзбек тили ва унинг таржимаси билан боғлиқ электрон ва банк-молия терминларининг кўп тилли луғатларини яратиш” мавзусидаги амалий лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 7 ноябрдаги 89-03-4329–сон маълумотномаси). Илмий натижанинг амалиётга татбиқ этилиши лексик синонимларнинг лисоний ва нутқий муносабатини ёритиш, лексикографик тадқиқ қилишда жаҳон тилшунослиги материалларидан фойдаланиш, лексик синонимларнинг матн ҳосил қилиш ва услубий имкониятларини ёритиш учун муҳим асос бўлиб хизмат қилган;

тилнинг лексик сатҳи, лексик-семантик муносабатларини субстанциал асосларда ёритишга хизмат қилувчи, олий ўқув юрти талабаларига мўлжалланган “*Nozirgi o'zbek adabiy tili*” (ISBN 978-9943-10-436-5) дарслигини тайёрлашда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 7 ноябрдаги 89-03-4329–сон маълумотномаси). Натижада талабаларнинг лексикология соҳасидаги, айниқса, лексик синонимлар бўйича билимларини такомиллаштиришга хизмат қилмоқда;

тил тараққиётидаги ўзгаришлар, ўзбек тилидаги лексик синонимларнинг ўзига хос хусусиятлари, синонимларнинг нутқий воқеланиши, унда лисоний

ва нолисоний омиллар ҳамкорлиги, синонимларнинг матн ҳосил қилиш ва услубий имкониятларини очиб беришда “Тил – миллат кўзгуси”, “Қадрият”, “Дахлдорлик туйғуси” кўрсатувлари ҳамда “Долзарб мавзу”, “Муносабат” эшиттиришларини тайёрлашда фойдаланилган (Навоий вилоят телерадиокомпаниясининг 2019 йил 23 сентябрдаги маълумотномаси). Натижада кўрсатувларнинг илмий-оммабоплиги таъминланган ва долзарблиги илмий-амалий аҳамият касб этган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро, 4 та республика анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 24 та илмий иш нашр этилган, жумладан, 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 14 та илмий мақола, улардан 3 таси хорижий журналларда чоп этирилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация кириш, тўрт боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан таркиб топган. Тадқиқотнинг ҳажми 225 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, мақсад ва вазифалари берилган, объекти ва предмети тавсифланган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, жорийланиши, апробацияси, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби “**Ўзбек тили лексик синонимлари тадқиқининг методологик асослари**” деб номланган. Бобнинг “**Ўзбек тили лексик синонимларини яхлит тадқиқ қилиш методологияси**” номли биринчи бўлимида илмий тадқиқот методологияси ва унинг аҳамияти, ўзбек тилшунослигининг методологияга муносабати масаласи, лексик синонимларни тадқиқ қилиш методологияси, методнинг лингвистик асоси, методология, методика ва метод масалалари, барча фан соҳалари учун билиш усул ва йўллари, ҳар қандай илмий тадқиқот онгли идрок этилган методологик асос эканлиги кенг таҳлил қилинган.

Лингвистик тадқиқот методикаси, методологияси ва методлари масаласи Л.В.Щерба, В.И.Кодухов, Ю.С.Степанов, Ф.М.Березин, Б.Н.Головин, Б.А.Серебренников, А.Е.Карлинский¹ каби олимлар томонидан тадқиқ

¹Бу ҳақда қаранг: Щерба Л.В.Языковая система и речевая деятельность. -Л., 1974. -304 с.; Кодухов В.И. Общее языкознание: Учебник для студентов филол.специальностей. - М.: Высшая школа, 1974. -303 с.; Степанов Ю. С.1 Методы и принципы современной лингвистики (1975, Изд. 7-е. - М.: Изд-во ЛКИ, 2009) - С. 127; Березин Ф.М., Головин Б.Н. Общее языкознание: Учебное пос. для студентов по специальности «Русский язык и литература». - М.: Просвещение, 1979. - С.168.; Общее языкознание. Методы

этилган. Хусусан, академик Л.В.Щерба ўз вақтида тўғри таъкидлаганидек, лингвистик тадқиқотлар тилнинг далилий материалларини йиғиш, фаразлар тузилиши ва уларнинг янги фактларда ҳақиқийлигини текширишдан иборат бўлиши лозим¹.

Б.А.Серебренников методология ва лингвистик методиканинг аҳамияти ҳақида алоҳида тўхталиб, “лингвистика фанининг умумий методологияси” ва “лингвистик тадқиқотларнинг хусусий методлари” тушунчаларини ажратади.

Ҳар бир сатҳ учун қўлланадиган методлар системаси мавжуд. Бугунги кунда ўзбек тилшунослигида лисон, нутқ сатҳларини тадқиқ қилишга бағишланган ишларда у ёки бу методнинг қўллангани ҳақидаги қайдлар кузатилади. Методларни онгли равишда қўллаш учун: 1) тадқиқотнинг қайси сатҳда олиб борилаётганини; 2) тилнинг қайси соҳаси тадқиқ қилинаётганини; 3) тадқиқотнинг муайян аниқ хулосага олиб келишини онгли идрок этмоқ лозим бўлади. Умуман олганда, объект, ундаги ечими зарур бўлган муаммо ҳамда унинг амалий натижаси яхлитлиги ҳақидаги илмий тасаввур методнинг лингвистик асосини ташкил этади.

Ушбу тадқиқотда ўзбек тилшунослиги, хусусан, лексикология, семасиология ва стилистика соҳасида қўлга киритилган ютуқлардан фойдаланиб, лексик синонимларни комплекс тадқиқ этишнинг жамланма методикаси ишлаб чиқилди. Тадқиқот йўлини танлаш кўпинча тадқиқот объекти курилиши ҳақидаги фаразга қараб белгиланар экан, ҳар қандай фараз маълум масалани ўрганиш мақсадида муаммоли вазият шароитида туғилади. Масалан, гипотетик-дедуктив метод илмий фаразни шакллантириш ва далиллар билан исботлашда контекстуал-функционал, дистрибутив, деривацион, компонент, қиёсий-чоғиштирма каби усуллар билан уйғунлаштирилган ҳолда қўлланилди.

Тадқиқотнинг комплекс методикаси муайян ишончли натижаларга эришишга имкон бериб, семантик тавсифнинг турли усуллар жамланмаси асосидаги мантиқий бирикувлари – замонавий ўзбек семасиологияси учун энг муҳим зарурат ҳисобланади. Комплекс методика асосида гипотетик-дедуктив метод ва контекстуал-функционал таҳлил комбинациясидан самарали фойдаланиш ҳар қандай семантик тадқиқотнинг ўрганилаётган бирликларини чуқурроқ таҳлил қилишни белгилаб беради. Бу метод ёрдамида катта миқдордаги материаллар – матнлар, нутқий вазиятлар асосида таҳлил қилинаётган семантик бирликларнинг фаоллашишига хос бўлган ҳолатлар аниқланади; сўз лексик маъноси контекстнинг умумий семантикасига боғлиқ эканлиги белгиланади; контекстлар ва уларда қўлланилган бирликлар лексик-семантик ва функционал-услубий мезонлар бўйича типик хусусиятларига қараб турларга ажратилади. Шунингдек, синонимларга контекстуал-функционал таҳлил асосида ёндашиш синонимик қаторнинг бой коммуникатив ва прагматик имкониятларини, уларнинг тил

лингвистических исследований. под ред. Б.А.Серебренникова. - М.: Наука, 2009. -С.73.; Карлинский А.Е. Методология и парадигмы современной лингвистики. -Алматы: Изд-во КазУМОпМЯ, 2009. - С. 89.

¹ Щерба Л.В. Юқорида келтирилган манба. - С.24-39.

стилистикаси, нутқ маданияти, лексикографияда асосий роли ва ўрнини тўла очишга ёрдам беради.

Комплекс методиканинг ўзига хос жиҳатлари, фарқловчи хусусиятлари шундан иборатки, тилшуносликда синондан ўтиб эътироф этилган барча метод ва усул (приём)ларни ўзида жамлаган ҳолда лексик бирликлар маъносига ҳар томондан ёндашиб, жадал таҳлил жараёнида воқеланади, тил бирликлари маъно структурасининг янги минимал компонентларини кашф қилади – аниқлаб беради, уларни бой фактик материаллар, асосли далиллар, ёрқин мисоллар билан ишончли тасдиқлайди.

Ҳар қандай тадқиқот мақсади умумлаштиришдан иборат. Умумлаштириш – илмий билишнинг муҳим воситаси. Умумлаштиришда хусусийликдан умумийликка ўтилади (масалан, “нутқий маъно” тушунчасидан “семема” тушунчасига ўтиш) ва умумий тушунча, ҳукм, назария вужудга келтирилади. Бундай тушунчалардан юзага келган умумий билим лисоний оламни чуқурроқ акс эттириб, унинг моҳиятини англаб олишга ёрдам беради.

“Ўзбек тили луғавий синонимик тизими система, қатор ва парадигма тушунчалари кесимида” деб номланган иккинчи бўлимда ўзбек тилига системавий ёндашув натижасида *система, микросистема, макросистема* тушунчаларининг оммалашганлиги, бугунги кунда *система, парадигма, қатор, гуруҳ* тушунчалари кўп ҳолларда синоним тушунчалар сифатида қаралиши, *система* ва *парадигма, парадигма* ва *қатор* терминлари бир-бирининг ўрнида бемалол қўллаётганлиги ва *синонимик қатор, маънодошлик гуруҳи, синонимик парадигмалар* каби назарий қарашлар асосланган.

Лингвистик нуқтаи назардан *микросистема* гипоним бирлик бўлса, *макросистема* гипероним тушунчадир. Микросистема ва макросистема ўзаро бир-бирини тақозо ва инкор этувчи, поғонали алоқа билан боғланган тушунчалардир. Албатта, ҳар қандай макросистема камида иккита микросистемадан иборат бўлади. Макросистема эса бўлинувчан бўлиб, унинг элементлари шунчаки элемент эмас, балки системалардир. Бу борада Ю.Д.Апресян, О.С.Ахманова, В.М.Солнцев, А.А.Уфимцева, Д.Н.Шмелев ва бошқаларнинг системавий тадқиқотларида талқин қилинган¹. Р.Сайфуллаева, Б.Менглиев ва бошқаларнинг дарслик ва қўлланмаларида ҳам атамалар шу мазмунда қўлланади². Баъзи тадқиқотчиларнинг лексик синонимик қаторларни микросистема, бу қаторлар мансуб бўлган луғавий-маъновий гуруҳларни макросистема деб қарашлари тушунчаларнинг фонологик ва

¹Апресян Ю. Д. Лексическая семантика. Синонимические средства языка. - М.: Наука, 1974. - 368 с.; Ахманова О.С. Очерки по общей и русской лексикологии. - М.: Наука, 1966. - 209 с.; Солнцев В.М. Язык как системно-структурное образование. -М.:Наука, 1972. - 344 с.; Уфимцева А.А. Лексическое значение. Принципы семантического описания лексики. -М.: Наука, 1986. - 240 с.; Шмелев Д.Н. Проблемы семантического анализа лексики. - М.: Наука, 1973. - 278 с.

²Сайфуллаева Р., Менглиев Б. ва б. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Дарслик. - Т.: ФТ, 2010 - 403 б.; Муаллифлар жамоаси. Замонавий ўзбек тили. Морфология. -Т.: Мумтоз сўз, 2008. - 467 б.

грамматик сатҳларидагидан бирмунча фарқланади¹. Аниқроғи, лексик-семантик тадқиқотларда луғавий-мазмуний тўда ҳам, луғавий-мавзуий гуруҳ ҳам, луғавий-маъновий гуруҳ ҳам, синонимик, градуонимик, гипонимик, антонимик қатор ва жуфтликларга ҳам нибатан *система* термини ортидан *микросистема* ва *макросистема* атамалари тизимнинг катта-кичик ҳажмлилигидан ва ўзаро ташкил этувчилик муносабатларининг мавжудлигидан келиб чиққан ҳолда бемалол қўлланаверади.

Синонимик бирликлар денотатив маъноси бўйича мос, лекин коннотатив маъно компонентлари ва қўлланиши(функционал имкониятлари)нинг ўзига хослиги билан фарқланади. Денотация моҳиятга дахлдор бўлиб, синонимик фарқланишда фаоллашмайди. Лексик синонимлар орасида приватив зиддият мавжуд, яъни бир бирлик (масалан, *рассом* сўзи) бошқасини (масалан, *мусаввир* сўзи) муайян вазиятларда алмаштира олади, айнан шу “бошқаси” олдинги бирликни бошқа муайян вазиятларда алмаштира олмайди. Демак, приватив зиддият коннотация асосида юзага келади.

“Лисоний даражаланиш қонунияти ўзбек тили лексик синонимлари тадқиқининг лингвистик методологияси сифатида” деб номланган учинчи бўлимда ўзбек тилшунослигида лисоний даражаланиш қонунияти, синонимик ва антонимик муносабатларнинг градуонимик муносабатга бирлашиши натижасида гипонимик ҳодисанинг юзага келиши таҳлил қилинган ҳамда уларнинг ўзига хос хусусиятлари очиқ берилган.

Тилшунос олима Р.Р.Сайфуллаеванинг асосли таъкидлашича, С.Н.Ивановнинг функционал талқинлари, ўзи мустақил равишда ишлаб чиққан лингвистик тушунчалар (ўрганиш объектининг серқирралиги, оралик учинчи қонунияти, даражаланишнинг мутлақлиги, тил бирлигининг камида икки қатор зиддиятга киришиши каби) ва уларнинг аввал систем-структур, кейинчалик субстанциал-прагматик ёндашувларга асос қилиб олиниши ўзбек субстанциал тилшунослигини янги ва мустақил миллий йўналиш сифатида жаҳонга танита бошлади, ўзбек субстанциал тилшунослиги заминида шаклланган градуонимик ёндашув Европа фани учун қимматли натижаларни бера бошлади².

Субстанциал ёндашувнинг ўзига хос тамойилларидан бири – “оралиқ учинчининг мутлақлиги”, унда диалектик миқдор ўзгаришларининг сифат ўзгаришларига ўтиши қонунига таянилиши ва бу, ўз ўрнида, янги тамойил – даражаланиш қонунияти ҳамда шу тамойилга таяниб иш кўрадиган мустақил лингвистик йўналишнинг шаклланишига асос бўлиб, лисонда мавжуд бирор моҳиятнинг нутқда воқеланиши тавсифига янгича ёндашув имконини берди. Даражаланиш муносабати билан боғланган сўзлар қатори борликдаги белгилар ҳамда тил белгилари асосида даражаланишга таяниб ажратилади.

¹Апресян Ю. Д. Лексическая семантика. Синонимические средства языка. -М.: Наука, 1974. - С. 149; Бегматов Э., Неъматов Х., Расулов Р. Лексик микросистема ва унинг тадқиқи // Ўзбек тили ва адабиёти, 1989. - № 6. -Б.35-40.

²Қаранг: Сайфуллаева Р.Р. “Давлат тили ҳақида” Қонун ва ўзбек тилшунослигининг Европа фанига таъсири // Айюб Ғуломов ва ўзбек тилшунослиги масалалари (Илмий мақолалар тўплами). – Т.: Университет, 2009. – Б. 3-5.

Лисоний даражаланиш тилшунос А.Нурмонов таъкидлашича¹, Арасту-Соссюр тилшунослигида ҳукмрон ва етакчи бўлган бинар оппозиция усулига тернар зидланишни қарама-қарши қўйиш билан бирга, анъанавий тилшуносликда бир-биридан узилган синонимик ва антонимик муносабатларни градуонимик муносабатга бирлаштиради. Бирлашиш эса гипонимияга олиб келади. Даражаланувчи белги остида бирлашган қаторнинг икки чекка бирлиги тўлиқ зидланади. Масалан, *врач* ва *шифокор* лексемалари “тиббиёт институтини битирган ва даволаш-профилактика ҳамда санитария-эпидемиология муассасаларида ишлаш ҳуқуқига эга бўлган мутахассис” умумий семемасига эга маънодошлик қаторининг икки чеккасини ташкил этади. Синонимик қатордан айри қаралганда, улар ўзаро бинар зидланаётганлигига ва зиддият денотатив сема асосида эмас, балки коннотатив сема асосида содир бўлаётганлиги кузатилади.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, тилшунослик ўз тараққиётининг ҳар бир даврида зиммасидаги масалаларни ҳал этиш учун муайян методологик қонуниятларга асосланади. Системадан элементга ёки элементдан системага борилад экан, “хусусийлик → умумийлик” ёки “умумийлик → хусусийлик” методологиясидан, дедуктив ва индуктив фалсафий тадқиқ усулларида бири танланади. Лексик синонимларни қўллаш жараёнида “умумийликдан хусусийликка”, “системадан элементга”, “лисондан нутққа” тамойилларига методологик асос сифатида таянилади. Ўзбек тилида синонимия ҳодисасини тадқиқ қилишнинг градуонимик методологияси узоқ тарихий тараққиёт, мустаҳкам назарий асосларга эга эканлиги далилланди.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Ўзбек тилида лексик синонимия муаммолари”** деб номланган бўлиб, ушбу бобнинг биринчи бўлимида **“Ўзбек тилида лексик синонимларининг лингвопрагматик хусусиятлари”** таҳлиллар асосида ёритилган.

Нутқий вазиятда синоним бирликлардан бирининг тўғри танланиши муҳим, зеро, нутқда сўзни танлаш эҳтиёжи янги маъно бирликларининг ҳосил бўлишига туртки бўлади. Ўзбек тилшунослари ўртасида синоним сўзларни танлаш ва қўллашда турли хил қарашлар мавжуд. Тилшунос олим М.Миртожиев қуйидаги синонимик жуфтликлардан *врач* ва *шифокор* сўзини *эмчи* сўзига алмаштириш имконияти мавжудлиги ва мақсадга мувофиқлиги тўғрисида фикр билдирган. Бундай алмаштиришнинг мақсадга мувофиқлигини олим *врач* сўзининг ўзбек тилига рус тилидан, *шифокор* сўзининг тожик тилидан ўтган деб билди². Ваҳоланки, *шифокор* сўзидаги *шифо* сўзи араб тилидан, *-кор* аффикси форс тилидан қабул қилинган бўлса-да, *шифокор* сўзи нутқий эҳтиёжга кўра ўзбек адабий тилининг ички имкониятлари асосида ясалган ва биринчи марта ўзбек нутқида қўлланилиб, илк маротаба ўзбекча луғатларда акс этган. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, *эм* сўзи соф туркий сўз бўлиб, қадимги туркий тилда “шифобахш ўсимлик” маъносини англатган, кейинчалик шу маънодан “даво” маъноси ўсиб

¹Нурмонов А. Структур тилшунослик: илдизлари ва йўналишлари. - Андижон: НС, 2006. - Б.160-162.

²Миртожиев М. Тил софлиги қандай белгиланади? // Ёш ленинчи. -Т., 1991, 12 январь. -Б.4.

чиққан¹. -чи шахс оти ясовчи кўшимчаси кўшилиши натижасида *эмчи*, яъни *даволовчи* касб-хунар оти ясалган, ҳозирда жонли нутқда учраб туради, масалан: *Эмчини чақирсакмикан?*

Шифокор сўзи русча-байналмилал синонимларидан фарқли равишда семантик структурасида асосий денотатив маъносидан ташқари эмоционал бўёқдорликка, денотатнинг маълум ижобий сифатлари ва белгиларини атовчи коннотатив маъно компонентларига эга, шу сабабли мазкур сўз нафақат денотатни (*врач, доктор*) англатиши, балки унинг маълум ижобий сифатлари ва моҳиятини билдиради. *Шифокор* сўзи ўзининг русча-байналмилал эквивалентларидан функционал-стилистик хусусиятларига кўра фарқ қилади ҳамда бадиий ва публицистик услубларда фаол қўлланиши билан характерланади. Сўзнинг эмотив-баҳоловчи коннотатив маънолари фаоллашуви, асосан, кўйидаги ҳолларда, *шифокор* сўзининг *виждон, бурч* каби сўзлар билан бирикишида, унинг айнан ўша контекстда ўзининг эмотив баҳо ифодаламайдиган синонимларига (*врач, доктор, медицина ходими*) нейтрал ҳолатида яққол кўзга ташланади. Бунда *шифокор* сўзининг лексик маъносини коннотатив аспектда билиш муҳимдир. Масалан, *врач* сўзини *шифокор* сўзига алмаштириб бўлмайди, бундай алмаштириш мантиқсиз, чунки *шифокор* (“одамларни даволовчи”, “касалликдан, дарддан халос қилувчи”) сўзи “қасамини бузган врач” ёки “виждонсиз медицина ходими” (“виждонига хилоф иш тутган”) мазмунида қўллана олмайди, аксинча, семантикасига зид бўлмаган сўзлар қуршовида келади. Юқорида келтирилган мисолда “*виждони пок шифокорлар*” маъносида келган ва бу каби лексик қуршов *шифокор* сўзи учун хос. Аслида, лексема маъновий жиҳатдан ўзига мос бўлмаган бирикувчиларни танлай олмайди, чунки уларда маъновий мувофиқлик мавжуд эмас.

Бобнинг “**Ўзбек тилида лексик ўзлашмалар ва уларнинг ўзбекча синонимлари**” деб номланган иккинчи бўлимида лексик ўзлашмалар, ўзбек тилига бошқа тиллардан ўзлашган сўзларнинг она тилимизнинг қонуниятларига мослашиши, луғат таркибининг бойиш манбалари хусусида сўз юритилган.

Ўзлашма сўзларни ўзбек тили лексик системасидаги ассоциатив-деривацион муносабатлар жиҳатидан кўриб чиқиш, шунингдек, лексик бирликларни уларнинг ясалиши, сўз ҳосил қилиш имкониятлари ва синонимлик хусусиятлари билан таққослаган ҳолда ўрганиш зарур. Бирор хорижий тилга хос сўзни ўзбек тилидаги муқобилига алмаштиришда ҳам ғоят эҳтиёткорлик лозим. Негаки, баъзан муқобил сўз ўзлашма сўз маъносини тўлалигича бера олмаслиги мумкин. Масалан, *принцип* сўзи ўрнида *тамойил* сўзининг қўлланишини у қадар асосли деб бўлмайди. Қиёсланг: *Принципиал, принципиаллик, принципли, принципсиз* сўзлари англатадиган маънони *тамойил* сўзи орқали ифодалаб бўлмайди. Ҳатто собиқ Иттифоқ давридаги луғатларда *тамойил* сўзи *тенденция* сўзининг эскирган маънодоши сифатида берилган.

¹Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик луғати (туркий тиллар). -Т.:Университет, 2002. - Б.463.

Гап ўзбек тилида мазкур тушунчани айнан ифодамай оладиган бирлик йўқлигида эмас, масалан, *принцип* сўзи ўрнида *тутум (тутим)* сўзини ишлатиш мумкин.

Турли тилларга оид сўзлар бир тушунчани ифодаласа-да, ҳеч қачон мутлақ тенг маъноли синоним бўла олмайди¹. Ўзбек тили лексик-семантик тизимида тарихнинг турли даврларида ўзга тиллардан ўзлашган синонимик бирликларнинг ўзаро таъсири, нутқий эҳтиёж, экстралингвистик омиллар уларнинг лексик маънолари мутлақ тенг даражада бўлмаслигини исботлайди.

“Иншоотларни лойиҳалаш ва қуриш бўйича мутахассис” умумий семантикасига эга *меъмор* ва *архитектор* синонимларининг бири ўрнида иккинчисини қўллаш мумкин: *моҳир меъмор, истеъдодли меъмор, яхши меъмор // моҳир архитектор, истеъдодли архитектор, яхши архитектор* каби. Аммо *архитектор* нейтрал сўзидаги эмотив баҳодан фарқли равишда *меъмор* лексемаси семантик жиҳатдан салбий белги, хусусият ифодаловчи *ёмон, қобилиятсиз, ношуд* каби сўзлар билан семантик муносабатга кириша олмайди. Масалан, *ёмон / қобилиятсиз / ношуд меъмор* деб бўлмайди. *Меъмор* сўзи ўзбек тилига сингиб кетганлиги боис *меъморлик, меъморчилик* каби сўзларни ясайди, бироқ *архитекторлик* ясалмаси мавжуд бўлса-да, *архитекторчилик* ясалмаси мавжуд эмас.

Ушбу бобнинг “**Ўзбек тили лексик ўзлашмаларида синонимик муносабатларнинг тартибланиш ва таснифланиш муаммоси**” деб номланган учинчи бўлимида ўзбек тили лексикасининг ривожига бошқа тилларга оид ўзлашмаларнинг ўрни, синонимик муносабатни юзага келишида маъно муносабати, синонимик муносабатларнинг тартибланиш ва таснифланиш жараёни *нерв-асаб* синонимик жуфтлиги мисолида таҳлил қилинган.

Русча-байналмилал сўз саналувчи *нерв* лексик бирлигига терминологик нуқтаи назардан қаралса, лисоний доирада у тўғри белгиланган тарзда “асосан номинатив-дефинитив вазифада, яъни номлаш ва махсус тушунча ифодалаш вазифасида”² қўлланишини кўриш мумкин. В.П.Даниленко таъкидлаганидек, бирор сўзнинг амалда қўлланишини, деривацион хусусиятларини ва қўлланишидаги ўзига хосликларни билмай туриб баҳолаб бўлмайди. Бу ўринда айтиш жоизки, биз мазкур синонимик қаторга қуйидаги сабабларга кўра “жиғ” лексик бирлигини қўшишни маъқул топмадик: Биринчидан, “жиғ” сўзи ҳозирги ўзбек адабий тилида мустақил, тўлиқ маъноли сўз бўлмай, фақат турғун бирикма таркибида учрайди.

Нерв сўзи тўлиқ ассимиляциялашган ўз эквиваленти *асаб* сўзи семантикасини ҳар доим ҳам тўлиқ қоплай олмайди. 1. *Ҳаммом қабул қилиши одамнинг асаб системасига тинчлантирувчи таъсир этибгина қолмай, бир қатор нерв касалликларига даволик қилиши ҳам мумкин* (Газетадан). 2. (Суюкли ёридан)... *Сувонжонга маълум бўлмаган, асабларни қитиқловчи нафис ҳид анқирди.* (С.Анорбоев). Биринчи ҳолатда *нерв* ва *асаб* синонимик

¹Гумбольдт В. Избранные труды по языкознанию. –М., 1963. - С.58.

²Даниленко В.П. Русская терминология. Опыт лингвистического описания. -М.,1977. - С .7.

жуфтлигининг илмий-оммабоп мақолада медицина термини сифатида параллел қўлланиши ўринли, чунки у тавтологияга йўл бермайди. Бу қўлланишда икки бирлик ҳам тил соҳибларига бирдай тушунарли, бу контекстда синонимларнинг лексик маъноларини уларнинг фарқловчи семантик белгиларига қараб аниқлаш қийин, чунки бу каби қўлланишда компонентларда фарқловчи маъно фаоллашмайди. Бадиий асардан келтирилган иккинчи мисолда *асаб* сўзини *нерв* сўзи билан алмаштириб бўлмайди (*нерв* сўзи қўшимча маъно бўёғига эга эмас), контекстда *асаб* сўзи ва унинг қуршовидаги сўзлар инсоннинг рухий ҳолатини, ички кечинмаларини нозик қирралари билан тасвирлай олган, бутун вужуди билан севги домига тушган, ёри бўйидан сархуш бўлган йигитнинг ҳиссиётларига уйғун тарзда акс эттириш имконига эга бўлган. В.И.Абаевнинг фикрича, “сўз санъаткори учун сўзни ўзининг чуқур ўтмишидан бирга олиб келаётган хилма-хил ва нозик идеосемантик маъно қирралари ва тасаввур, ҳис-туйғу, фикр ва шу кабиларнинг бир-бирини эслатадиган ўзаро боғланиши билан бирга ифодалашга мажбур қилиш олий маҳорат ҳисобланади”¹. Агар мисолда *асаб* сўзи *нерв* сўзи билан алмаштирилса, бадиий асарда сўз устаси томонидан кўзда тутилган бадиий бўёқ йўқолиши табиий эди. Қиёсланг: (*Суюкли ёридан*)... *Сувонжонга маълум бўлмаган, нервларни қитиқловчи нафис ҳид анқирди*. Шунингдек, *нерв* сўзи медицина термини сифатида эмас, ҳатто умумқўлланиш лексикаси бирлиги сифатида ишлатилганда ҳам “қуруқ” – маъно нозикликларини ифодалай олмаслиги кўзга ташланади. Демак, икки сўзнинг ўринли бирикиши учун уларнинг семантик структурасида бир-бирини тақозо этувчи семалар мавжуд бўлиши керак.

Иккинчи матнда ҳам *асаб* сўзини *жиг* сўзига алмаштириб бўлмайди, чунки *жиг* сўзи семантикасида эмоционал-салбий тавсифни билдирувчи қўшимча семалар (коннотациялар) устунлик қилади, шу сабаб нутқда кишининг салбий психологик ҳолатини кучли тарзда ифодалаш учун қўлланилади. *Асаб* сўзи ўрнига *жиг* сўзини алмаштиришнинг мақсадга номувофиқлиги ва имконсизлигини кўрсатишга ҳаракат қиламиз: (*Суюкли ёридан*) ...*Сувонжонга маълум бўлмаган, жигларни қитиқловчи нафис ҳид анқирди*. Кўринадики, бундай ҳолларда ижодкор китобхонга англлатмоқчи бўлган эмоционал ҳолат бутунлай йўқолади, матн семантикаси эса икки маъноли бўлиб қолади: бир томондан, *Сувонжон* ўз севгилисидан келаётган, унга нотаниш бўлган ғалати нозик ҳидни ҳис қилган (1), иккинчи томондан эса унга бу ажойиб ҳид нега ёқмаётганлиги, ғашига текканлиги сабаби номаълум бўлиб қолади (2). Юқорида махсус таҳлилга тортилган парча *жиг* сўзи семантикасида шахсни тавсифловчи эмотив салбий муносабат ифодаловчи қўшимча семалар (коннотация)нинг мавжудлигидан далолат беради.

Нерв ва *асаб* синоними медицина терминлари сифатида илмий-оммабоп мақолаларда тўла ҳуқуқли вазифада қўллана олади. Масалан: *Бир қатор олимларнинг олиб борган илмий тадқиқот ишлари шуни кўрсатдики, яхши*

¹Абаев В.И. Понятие идеосемантики // Язык и мышление. XI. -М.-Л., 1988. - С. 34.

қуй тинглаб ҳордиқ чиқарган кишиларнинг “марказий **асаб** аъзоларининг” фаолияти яхшиланиши, “**асабиятнинг**” сокинлашиши қайд этилади... “Марказий **асаб** системасининг” тормозланиш жараёнлари мусиқани роҳатланиб тинглаш натижасида яхшиланар экан (Газетадан). Кўринадики, мисолда айнан бир тушунча – *асаб* денотати воситасида уч маротаба такрорланган, ўзбек тилида бу денотатни ифодалаш учун уч синонимик воситанинг мавжудлиги (*асаб аъзолари, асабият, асаб системаси*) боис муаллиф тавтологиядан қочиб, ўз фикрини турли шаклда ифодалашга муваффақ бўлган. Мазкур синонимик бирликлар ўзбек тилида сўзлашувчилар учун тўлиқ тушунарли, аммо уларнинг лексик-семантик ва синтактик бирикишида фарқлар мавжудлиги сезилади. *Асаб аъзолари* бирикмаси ўзбек тили грамматикаси қоидаларига кўра, араб тилидан ўзлашган *асаб* ва *аъзо* сўзларидан, *нерв системаси* эса ўзбек тили грамматикаси қоидаларига кўра, *нерв* ва *система* каби русча-байналмилал сўзлардан ташкил топган. Бизнингча, бу бирликларнинг мазкур матнда нафақат семантик, балки синтактик жиҳатдан ҳам тўғри бирикканлигидан далолат беради. Араб тилидан ўзлашган, ўзбек тили лексик-семантик системасида ўзлашганлиги деярли сезилмас ҳолатга келиб қолган *асаб* сўзининг қандай амалий қимматга эгаллигини аниқ тасаввур қилиш мумкин. Шу билан бирга, *нерв* байналмилал сўзи ўзбек тилининг нафақат китобий(ёзма), балки оғзаки нутқида ҳам кириб келганлиги, унинг сўзлашув нутқида синтактик қурилмаларнинг таъсирчанлигини таъминлашга хизмат қилганлигини кўрсатади. *Нерв, асаб, жиг* сўзларидан бирини бошқасидан афзал кўришга эҳтиёж йўқ, ваҳоланки, улар ўзбек тили системасида давомий мавжуд бўлиши натижасида парадигматика ва синтагматика сатҳида ривожланишда давом этмоқда.

Ушбу бобни хулосалаб айтиш мумкинки, нутқий жараёнда синонимлар семик компонентлари, синтактик имкониятлари, функционал қиймати, муқобиллик даражасига кўра танланади. Синонимик муносабатлар йўналишида лексик ўзлашмаларнинг ўзбекча эквивалентлари билан лексик-семантик хусусиятлари тадқиқ қилинганда, ўрганилаётган сўзни турли контекстларда қараб чиқиш ва сўз маъносини фарқловчи узвал семантик компонентлари фаоллашуви ва намоён бўлиши учун хос бўлган контекст ёки нутқ вазиятини белгилаш, зарур ҳолларда лексик бирлик сифатида сўзнинг мавжуд таърифига, унинг эквиваленти – терминология бирлиги бўлган атамага аниқлик киритиш, синоним сўзларнинг бир-биридан фарқланувчи ўзига хос семантик ва вазифавий хусусиятларини таҳлил этиш муҳим саналади.

Диссертациянинг учинчи боби “**Ўзбек тили лексик синонимларининг нутқий воқеланишини таъминловчи омиллар**” деб номланган. “**Ўзбек тили лексик синонимларининг нутқий воқеланиши, унда лисоний ва нолисоний омиллар ҳамкорлиги**” деб номланган биринчи бўлимда синонимларнинг воқеланишида лисоний ва нолисоний омиллар ҳамкорлиги масаласининг жаҳон ва ўзбек тилшунослигида ўрганилишига муносабат билдирилди. Ўзбек тили лексик синонимларининг нутқий воқеланишида соф

лингвистик омиллар доирасидан чиқиб, прагматик омиллар билан ҳам иш кўрилади. Бу, айниқса, синонимик қатордаги икки ёки ундан ортиқ сўзнинг ифода ҳажми, прагматик семаси ва услубий томонлари ўзаро фарқланадиган лексемаларда яққол кўзга ташланади.

Адабий тил тараққиётида лисоний омиллар муайян тилнинг луғат бойлигига таянади. Тилнинг луғат бойлиги синонимларнинг кўлами кенглиги билан белгиланади. Тилдан ташқарида мавжуд бўлган факторлар, яъни нолисоний омиллар (ижтимоий тузум шакллари, тарихий жараёнлар, халқлар ва миллатлар ўртасидаги иқтисодий, сиёсий, маданий ва маърифий алоқалар, илм-фан ривож, ишлаб чиқариш ва техника тараққиёти, ижтимоий тафаккур, инсон руҳияти, ҳис-туйғулари, тил ва ёзувга оид қонун ва фармонлар каби) ҳам синонимлар кўламининг кенгайишига сабаб бўлади.

Тилдаги ҳар бир лексема ёки янги функционал маънода қўлланаётган архаик сўз илмий изоҳни, унинг специфик табиатини, хусусиятларини ўрганишни талаб қилади. Мустақилликка қадар истеъмолда бўлган *район* лексемасининг *туман*, *ноҳия* каби синонимлари маъновий хусусияти ва қўлланиши ҳақида Х.Исматуллаев, Р.Дониёров, Т.Алиқулов, Қ.Мусаев, И.Тошалиев, А.Ҳожиев, Ғ.Абдурахмонов, О.Азизов, Н.Қосимов, М.Рамазонов, М.Миртожиевларнинг баҳсли мақолаларида тортишувлар янада кескинлашиб, лингвистик тадқиқотлардан даврий нашрларга кўчганлигини айтиб ўтиш жоиз.

Туман сўзи *район* ва *ноҳия* сўздан фарқли равишда ўз ички шаклига эга: “ўн минг”, бу – сўзнинг ўрта асрларда маъмурий-ҳудудий бирлик сифатида қўлланишидаги дастлабки лексик маъноси. *Туман* сўзи собиқ Иттифок даврида ўзининг дастлабки “ўн минглик қўшинни бошқарувчи харбий бошлиқ”, *туманбеги* – “бошлиқ, хонликнинг туман етакчиси” маъносида қўлланган, лекин бу сўз ўзбек мақол ва маталларида мустаҳкам сақланиб қолган ва ҳозирга қадар ишлатилади: “*Бирники мингга, мингники туманга*” ёки “*Саломатлик – туман бойлик*” каби. Кўринадики, ҳозирги ўзбек тилида маъмурий-ҳудудий бирликни ифодаловчи лексема сифатида қабул қилишда “ноҳия” сўзи кўплаб лисоний мезонлар бўйича рус тилидан ўзлашган “район” ва ўзбекча (туркий) “туман” сўзига ўрнини бўшатиб берди. Келтирилган маълумотлардан шу нарса англашиладики, миллий тилнинг, шу жумладан, миллий адабий тилнинг тараққиётида лисоний ва нолисоний омиллар бирга қатнашади, уларнинг бири иккинчисига шароит яратади, ҳар иккаласи бир бутун механизм сифатида хизмат қилади; тил ва жамият, тил ва онг, тил ва тафаккур муносабатлари шуни тақозо қилади.

Бобнинг иккинчи бўлими “**Ўзбек тили нутқий синонимлари фарқланиши ва қўлланишини белгиловчи омиллар**” деб номланиб, унда синоним сўзларнинг умумий семантикасида денотатив (денотат, референт, предметли-мантқий, номинатив маъно); коннотатив (коннотация, эмоционал-экспрессив бўёк ёки эмотив-баҳоловчи маъно, миллий-ўзига хослик); функционал-стилистик (стилистик белгиланганлик, ўзига хос қўлланиши, услубий маъно нозикликлар) маъноси, шунингдек, бу бирликларнинг нутқда қўлланишидаги ўзига хосликлар таҳлил қилинган.

Туркийшунос олимлар туркий тиллар лексикасини ўрганишга бағишланган умумназарий ишларида маъносига кўра яқин бўлган сўзларни ўрганишда “сўз семантикаси тараққиётида умумий ва ўзига хосликни аниқлаш асосий вазифа”¹, -деб ҳисоблаганлар. Умумий семантик белгиларига кўра бир лексик семантик гуруҳга кирувчи шахс фаолияти, касбини билдирувчи *архитектор*, *меъмор* синонимик сўзлари ўзларининг амал қилиш доираси, стилистик хусусиятлари ва ўзига хос маъно нозикликлари билан фарқ қилади. *Архитектор* байналмилал сўзи ўз синоними бўлган *меъмордан* фарқли равишда эмоционал-экспрессив бўёқдорлигига кўра нейтрал ҳисобланади ҳамда оғзаки ва ёзма нутқда қўлланишида шу хусусиятини сақлаб қолади. *Меъмор* сўзи “таниқли”, “машҳур”, маҳоратли” каби сўзлар билан бирга қўлланганда нутқда (контекстда) ижобий бўёқдорликни ёрқин акс эттиради: ...*Машҳур меъморнинг устахонаси Токионинг марказида, Аояма проспектидаги ўн қаватли бинода жойлашган* (Газетадан).

Сўзлар семантикасида миллий – ўзига хос компонентлар фаоллашуви (фон бўёқдорлиги) маълум контекстларда нафақат воқеликни, балки миллий-маданий белгиларни ҳам акс эттиради. Масалан: Ўрта асрлар меъморчилик санъатининг ноёб намунаси бўлган Араб-ота меъморий обидасининг номланиши туб туркийча, *Араб-ота* тарихий-жуғрофий жой номи сифатида қабул қилинади, унда этноснинг миллий-маданий қирралари мавжуд бўлиб, объектга ўзига хослик, бутун ифода семантикасига – миллий-маданий “лисоний олам манзараси”га ёрқин миллий фон бағишлайди: *Бу минг йил муқаддам бунёд этилган ...маҳаллий аҳоли орасида Араб ота мазори деб юритилган меъморий обидадир* (Газетадан).

Меъмор сўзи кўчма, бадий-образли қўлланишида кучли прагматик йўналтирилганликка эга бўлади, стилистик усулларнинг алмаштириб бўлмас унсурига айланади (метафоралар ва шу қабилар). Сўз усталари томонидан бу лексик бирлик ёрдамида яратилган образлар, айниқса, бадийлиги билан нафақат сўзнинг денотатив семантикасида, балки шу билан бирга реципиент (ўқувчи, ҳамсухбат)га эмоционал-эстетик таъсир этиши билан ажралиб туради, унда маълум ижобий ҳис-туйғуларни уйғотади. *Меъмор* сўзи ўзининг эмоционал-экспрессив бўёқдорлигига кўра самарали стилистик усуллардан бири нутқий энантиосемиянинг вужудга келишида муҳим восита ҳисобланади. Лексикада зиддият энантиосемик бирликларда ёрқин акс этади, чунки бундай бирликларнинг семантик структурасида бевосита икки қарама-қарши, зид маъно жойлашган бўлади. Масалан, *меъмор* (“моҳир архитектор”) сўзи узуал семантикаси билан мустаҳкам боғланган, одатдаги маъносига зид маънода қўлланиши мумкин, яъни “ёмон архитектор” маъносида: *Бу “ноёб архитектура дурдонасининг” “меъмори” ким экан деб ёқа ушлаб қоласиз...* (Газетадан). Бутун контекстдан маълумки, “ноёб архитектура дурдонаси” эмас, балки тарихий Самарқанд шаҳри марказида ҳақиқий меъморий ёдгорликлар қаторида эстетик дидсиз қурилган иморат назарда тутилмоқда.

¹Мусаев К.М. Лексикология тюркских языков. М.: Наука, 1984. – Б.6.

Таҳлиллардан маълум бўлдики, *архитектор* ва *меъмор* синонимлари семантик структурасига кўра турли нутқий вазиятларда қўлланишда фарқ қилади. *Архитектор* сўзи атамалик хусусияти, эмотив-баҳоловчи бўёққа нейтраллиги, семантикасида миллий-маданий компонент мавжуд эмаслиги (фон бўёқдорлиги) билан ажралиб туради. Айни вақтда, *меъмор* нафақат денотатни (иморатларни лойиҳалаш ва қуриш бўйича мутахассис) ифодалаш, балки унинг ижобий сифатларини, моҳиятини, белгисини (иморатларни лойиҳалаш ва қуриш бўйича яхши, маҳоратли, билимдон мутахассис) ҳам англатади. Бу сўз семантикасида маълум нутқий вазиятларда (узуал контекстларда) фаоллашувчи миллий-специфик ўзига хослик ва тарихий-маданий мазмуннинг турли коннотациялари кузатилади. Ўзбек тили лексик-семантик системасида мавжуд бўлган синонимлар ўзаро бир-бирини тўлдиради, нутқда аниқлик ва ифодалиликни таъминлайди.

Бобнинг “**Ўзбек тили лексик синонимларининг матн ҳосил қилиш ва услубий имкониятлари**” деб номланган учинчи бўлимида лисоний бирликнинг матн таркибида маъно жиҳатидан бойиши, янги мазмун касб этиши, ўзбек тили лексик синонимларининг коммуникатив, прагматик, когнитив, лингвомаданий хусусиятлари, матн ҳосил қилиш ва услубий имкониятлари *рассом* ва *мусаввир* синоним сўзлари асосида таҳлил қилинган.

Тилнинг ўз ички имкониятлари ва лисоний заҳираларидан кенгрок фойдаланиш, ўзбек тили тарихида истеъмолда бўлган, кейинчалик қўлланишдан чиққан бир қатор сўзларни тилнинг турли услуб эҳтиёжига кўра адабий тил меъёрига кирганлигини *мусаввир* сўзи орқали кўриш мумкин. *Рассом* сўзининг синоними ҳисобланган *мусаввир* сўзи китобий бирлик бўлиб, матнларда поэтик алоҳидалик ёки ўтмишга хос давр руҳини акс эттиришдагина ишлатилган. Ўзбек тили лексикасига *рассом* сўздан аввал қабул қилинган ва натижада истеъмолдан чиқарилган *мусаввир* сўзи истиқлол шарофати билан миллий-маданий муносабатларнинг қайтадан қарор топиши эвазига яна моҳият касб этишини асословчи айрим мисолларга мурожаат қиламиз: “Ранглар билан тиллашган мусаввир” мақоласи¹ Ўзбекистон халқ рассоми Чингиз Ахмаровнинг ижодий фаолияти хусусида бўлиб, мақолада *рассом* лексемаси 14 маротаба қўлланган, шундан уч ўринда унвон номида келтирилган. Масалан: 1. **Ўзбекистон халқ рассоми, монументал деворий расмларнинг моҳир устаси Чингиз Ахмаровнинг номини эшитмаган, унинг бетакрор ижод намуналарини билмаган тасвирий санъат ихлосманди бўлмаса керак.** 2. **Ўзбек миллий тасвирий санъатини юксак погоналарга кўтаришдаги улкан хизматлари учун Чингиз Ахмаров Ўзбекистон халқ рассоми унвонига, Ҳамза номидаги давлат мукофотиغا сазовор бўлган.** 3. **Ўзбекистон давлат санъати музейи фондида юртимиз тасвирий санъатига оид бўлган уч мингга яқин ноёб санъат дурдоналари қаторида ўзининг бетакрор ижоди билан жаҳон маданияти тарихида ўчмас из қолдирган Ўзбекистон халқ рассоми Чингиз Ахмаровнинг 50дан**

¹Файзиева В. Ранглар билан тиллашган мусаввир. Миллий тикланиш. 2019, 19 июнь.

зиёд асари сақланмоқда. Бир ўринда эса Чингиз Ахмаров қаламига мансуб асар номида келтирилган: Масалан, “*Рассом Р.Темуров портрети*” мутлақо ўзгача бир кўринишда ишланган. Демак, *рассом* сўзи *мусаввир* синоними билан ўрин алмашиб қўлланган. Кўринадики, публицистик матнда *рассом* лексемасининг ишлатилиши синонимик жуфти бўлган *мусаввир* сўзига қараганда фаоллашган.

Таъкидлаш жоизки, мусулмонларнинг муқаддас китоби Қуръони Каримда Аллоҳнинг 99 исмларидан бири *мусаввир* деб аталган. Хусусан, қуйидаги матнда *мусаввир* сўзини синоними (*рассом*) билан алмаштириб бўлмайди. “*Хожаки, Наққоши сипехри баланд*” – баланд осмон, юксак фалак Наққоши бўлган Хожа – Аллоҳ. Наққош – нақшсоз, нақш солувчи, сураткаш, гул солувчи маъносини англатади. Наққош бу мисрада бутун борлиқ, фалакни яратган, яратувчи Худо мазмунидадир. Бутун борлиқни гўзал суратда яратган Мусаввирни Навоий Наққош деб ёзган. Навоий Нақшбанд нима эканлигини иншо этиш мақсадида нақш сўзининг мазмун-моҳиятини очилишини ният қилган бўлса керак. Бутун само ва ернинг гўзал суратда нақшлаган Наққош – Тангри, Худо, Аллоҳдир”¹. Шаклан ва мазмунан уйғун тугалланган бу каби матнлар *мусаввир* сўзи учун типик ҳисобланади.

Сўзнинг ижобий коннотатив мазмунда қўлланишини назарда тутсак, маъно даражаси, стилистик бўёғи *рассом* сўзига нисбатан юқорироқ эканини англаймиз. *Рассом* сўзида эса адгерент коннотация кузатилиб, *моҳир рассом* ёки *буюк рассом* тарзида қўллансагина *мусаввир* лексемаси англатувчи коннотацияга яқинлашади. Қиёслаймиз: *рассом Чингиз Ахмаров // моҳир рассом Чингиз Ахмаров // буюк рассом Чингиз Ахмаров // мусаввир Чингиз Ахмаров* тарзида. Масалан: *Ўзбекистон тасвирий санъатида миниатюрага хос ажойиб ранг-тасвир ҳамоҳанглигини яратиб, миллий санъатимизнинг ривожига улкан ҳисса қўшган бу буюк рассомнинг ижодий йўли ва санъат мактаби мавжуд гапи Ўзбекистон тасвирий санъатида миниатюрага хос ажойиб ранг-тасвир ҳамоҳанглигини яратиб, миллий санъатимизнинг ривожига улкан ҳисса қўшган бу мусаввирнинг ижодий йўли ва санъат мактаби мавжуд* тарзида қўлланганда маъно даражаси яқинлик касб этади.

Сўзловчи прагматик мақсадини кўзлаб, тингловчи онгида денотатни барча белги ва сифатлари билан яхлит намоён эттириш учун синонимик қатордаги лексемалардан энг мақбулини тўғри танлаб олиши муҳим. Ҳар қандай коннотатив ифодада ҳам денотацияга хос маълум семалар сақланган бўлади. Ушбу қоришиқликни мақола бошланишидаёқ *рассом* варианты эмас, айнан *мусаввир* синонимининг танланиши сабабидан англаш мумкин. Масалан: *Гўзаллик сирларини қидириш мусаввирни Алишер Навоий ижодига янада яқинлаштирди*. Муаллиф ўқувчининг моҳиятни идрок қилиши учун диққатини Чингиз Ахмаров даҳосига қаратишни лозим топган, шунинг учун *рассом* сўзи билан эмас, балки *мусаввир* синоними билан фикрини бошлашни маъкул кўрган, шунингдек, танланган сўз муаллифнинг

¹ Баҳоуддин Нақшбанд (манбалар таҳлили). Тўплаб нашрга тайёрловчи, мақола, изох ва шарҳлар муаллифи Г.Н. Наврўзова. – Тошкент: Sano-standart, 2019. - Б. 177.

ижодкорга бўлган ҳурмати, эътирофини, баҳосини очик ифода этишини таъминлаган. Матнда баҳо билдирувчи сўзнинг қўлланиши муаллифнинг ўзи ифода этаётган ахборотга муносабатини белгилашда муҳим ўрин тутди. Мақолани таҳлил этиш жараёнида кўринадикки, муаллиф Чингиз Ахмаров чизган суратлар эмас, ижодкорнинг ўзини тавсифлаш лозим бўлган ўринларда *мусаввир* вариантыни қўллаганки, унинг энг зўр, тенгсиз ижодкорлардан бири эканлиги шу сўз орқали яққол англанди. *Мусаввир* сўзи муаллифнинг коммуникатив-эстетик мақсадини яққол юзага чиқарган. Масалан: *Шарқ миниатюра санъатини шаклий, фалсафий ва мазмунан бойитган ушбу ижод намуналарининг барида мусаввирнинг ўзига хос, бой ва бетакрор, гўзал руҳий дунёси акс этган.*

Муаллиф яна бир ўринда *рассом*, *мусаввир* синонимларидан айнан бирини эмас, балки ҳозирда ҳеч қандай изоҳсиз, тушунтиришсиз ҳаммага маълум бўлган, тил фактига айланган *мўйқалам соҳиби* перифразасини қўллайди: *Умуман олганда, Чингиз Ахмаров ўзининг бетакрор асарлари билан миллий маданиятимиз тарихида ўчмас из қолдирган мўйқалам соҳибидир.* Шахсларни умумий тарзда англатувчи *мўйқалам соҳиби* перифразасининг юзага келишига *мўйқалам* лексемаси туртки берган. Маълумки, бундай қаламда кишиларни ҳайратга соладиган, кишилар тан берадиган расмлар яратган инсонгина унинг ҳақиқий эгаси – соҳиби бўлишга мушарраф бўлади. Шунга қиёсан қаламнинг ҳақиқий соҳиби *мўйқалам соҳиби* перифразаси билан сифатланади. Муаллиф томонидан фикр характерига мос тарзда кетма-кет келган, алмашилиб қўлланган синонимлар ўқувчини таъсирлантirmасдан қолмайди.

Хуршид Давроннинг *рассом* Исфандиёр Ҳайдаровга бағишланган “Мусаввир бўлмоқ эрсанг” сарлавҳали шеърининг ҳар бир бандида сарлавҳадаги *Мусаввир бўлмоқ эрсанг* жумласи такрорланган. Публицистик матнда *рассом* лексемасининг ишлатилиши фаоллашган бўлса, таҳлил этилаётган бадиий матнда эса *мусаввир* лексемасининг қўлланиши синонимик жуфти бўлган *рассом* сўзига қараганда фаоллашган. “*Мусаввир бўлмоқ эрсанг, Тилингни сузуриб ол, Ва ярадан тўкилган, Қон рангига қулоқ сол*”. Албатта, ранг-тасвирда ранглар “тилга киради”, айни шу фикрни “сўзлаётган қон ранги” образи орқали метафорик тарзда берилгани – кашфиёт. Бу каби бетакрор ифодалар, образлар келтирилган матнда танланаётган сўзнинг мавқеига, оҳорига эътибор қаратмасдан бўлмайди. Шоирнинг *рассом*, *мусаввир* синонимик қаторидан айнан *мусаввир* сўзини танлагани бежиз эмаслиги аёнлашади. Тасаввур образларини ҳосил қилишда сўзнинг маъносини аниқ англаш образнинг мазмунини очади, бунинг натижасида сўз тасаввурнинг шаклланишида алоҳида аҳамият касб этади. Ижодкор сўзнинг номинатив функцияси орқали ўзи иштирок этмаган, бевосита ҳаётда кузатмаган воқеа-ҳодисаларнинг сўз воситасида англантиш орқали китобхон тасаввурларини ҳам уйғота олади.

Боб хулосаси сифатида айтиш мумкинки, сўзловчи нутқий интенцияга мувофиқ лексеманинг валентлик имкониятларидан келиб чиқиб синонимик қатор лексемаларидан мосини танлар экан, бир вақтнинг ўзида, онг остига

ўтиб кетган прагматик омилларни инобатга олиш ва уларни ўз ўрнида қўллашга ҳаракат қилади, натижада лисоний ва прагматик омиллар уйғунлигига эришилади.

Синонимлар ўртасидаги маъно фарқларининг воқеланиши таҳлил этилганда, денотация субъекти баҳолаш ва тушуниш каби икки вазифани бажариши, коннотация субъекти тушуниш, соф баҳолаш, эмотив таснифлаш каби уч вазифани бажариши ва ана шу вазифалар *рассом* ҳамда *мусаввир* синонимлари ўртасидаги нозик маъно фарқларини аниқлашга ёрдам берилади.

Диссерациянинг тўртинчи боби **“Ўзбек тили лексик синонимларининг лексикографик талқини масалалари”** деб номланган. Бобнинг биринчи бўлимида ўзбек тили изоҳли луғатларида лексик синонимлар тавсифи ва уни такомиллаштириш вазифалари таҳлил қилинган.

Турли лексик-семантик гуруҳлар ва мавзу қаторларига кирувчи синонимларни таҳлил қилишда беш жилдли “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да шахснинг фаолият тури, машғулоти, касбига кўра маъно билдирувчи *бастакор* ҳамда *композитор* синонимлари қуйидагича изоҳланган: *Бастакор* анъанавий мумтоз мусиқа асарлари ижодчиси; композитор. *Йигилди бастакору соз ила созанда, хушхонлар* (Ҳабибий). Композитор тузувчи; яратувчи, ижод қилувчи. *Композитор Мутал Бурхонов Ҳамзанинг музика меросидан ижодий фойдаланиб, фильмнинг тасвирий материалига мувофиқ куй басталаган* (С. Хўжаев).

Синонимларнинг семантик тузилиши уларнинг яқин синонимик синтагмаларга ҳамда умумий контекстуал семантикасига боғлиқ. *Бастакор* сўзи ўзининг байналмилал синоними *композитор*дан фарқли равишда ҳозирги воқелик тасвирланган матнларда ҳамда тарихий жанрдаги асарларда ишлатилиши мумкин, лекин икки ҳолатда ҳам *бастакор* сўзи лексик бирликлар билан унинг семантикасига мос бўлган комбинацияда нутқнинг тасвирийлигига, маънодорлигига имкон яратади ва бутун бир фикрга миллий-маданийлик жиҳатидан ўзига хос тус беради.

Синонимлар нафақат лексик-семантикасининг коннотатив аспекти бўйича, балки аниқ бир ҳолларда ижтимоий томондан анланган тарихий жиҳатдан сақланган контекстлардаги денотатив маъноси бўйича ҳам фарқланади. Масалан: *Буюк мутафаккир Алишер Навоийга бағишланган «Алишер Навоий ва мусиқа санъати» Бутуниттифоқ илмий-назарий анжумани кеча ниҳоясига етди. Анжуманни Ўзбекистон маданият вазирлиги, жумҳурият композиторлари ва бастакорлари уюшмаси ҳамда Мухтор Аирафий номидаги Тошкент давлат консерваторияси ҳамкорликда ўтказди* (Газетадан). Бу икки лексема санъатшунослик соҳасида, соҳа эгалари нутқида фарқланади. Санъатшунослик термини сифатида *бастакор* сўзи анъанавий халқ услубидаги мусиқаларни яратувчи “композиторни” англатади. *Композитор, бастакор* сўзларининг санъатшуносликда денотатив маънода эканлигини қуйидаги мисол билан тасдиқлаш мумкин: “...Ўша даврларда *композиторлар* билан *бастакорлар* ўртасидаги муносабат ўта самимий, дўстона бўлган. “*Лайли ва Мажнун*”, “*Тоҳир ва*

Зухра”... каби шоҳ асарлар ана шу ижодий ҳамкорлик ҳамда санъатимизга нотанинг кириб келиш шарофати туфайли пайдо бўлган”¹.

“Ўзбек тилининг изоҳли луғати” синонимларнинг изоҳлари қайта шакллантирилиб, айрим синонимларнинг мустақиллик туфайли юзага келган кўчма маънолари билан бойитилган. Асосий эътибор синонимларни мафкуравий бўёқдан холи, холис изоҳлашга қаратилиб, олдинги нашрга киритилган шўро тузуми воқелиги билан боғлиқ, бугунги кун нуқтаи назаридан ўз аҳамиятини йўқотган баъзи изоҳлар луғатдан чиқарилган. Беш жилдли луғатнинг қиймати, муваффақияти ана шу вазифани имкон даражасида бажарганлиги билан белгиланади.

Бобнинг “Ўзбек тили синонимлари изоҳли луғатида маънодош бирликлар тавсифи” деб номланган иккинчи бўлимида ўзбек тили синонимларининг тараққиёти, лексикографиясининг ривожига ва бу йўналишда амалга оширилган муайян ишлар хусусида сўз юритилган. Маълумки, 1974 йилда А.Ҳожиев томонидан “Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати” нашр этилгандан кейин ўтган қирқ беш йил мобайнида республикамиз сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маданий ҳаётида мисли кўрилмаган ўзгаришлар, юксалишлар юзага келди. Ўзбекистоннинг истиқлолга эришиши, ўзбек тилининг давлат тили мақомини олиши, “Давлат тили ҳақида”ги Қонуннинг қабул қилиниши ўзбек тили ва унинг лексикаси ривожига катта таъсир кўрсатибгина қолмасдан, ўзбек тилшунослиги олдида янги вазифаларни кўндаланг қўйди. Ўзбек тили лексик заҳирасининг жадаллик билан кенгайиши ва бойиб бориши, давр талабига жавоб берадиган, синонимларнинг изоҳли луғатини қайта яратиш заруратини юзага келтирди. Ўзбек тилшунослиги олдида синонимик бирликларни тартибга солиш, такомиллаштириш, уларни луғатда акс эттириш ва изоҳлаш билан боғлиқ талай муаммолар мавжуд.

Республикамиз мустақилликка эришгандан кейинги даврда истеъмолга кирган, турли фан соҳалари ва ижтимоий ҳаётга оид асосий сўзлар ва атамаларни, неологизмларни, шева оид сўзларни, этнографизмларни, ҳозирги ўзбек адабий тили меъёрларига мос келадиган, ўзбек мумтоз адабиёти намояндалари асарларида учрайдиган, ҳозиргача ўз шакл ва маъноларини сақлаб қолган сўз ва бирикмаларни луғатга киритиш ва уларни янги нуктаи назардан изоҳлаш “Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати”нинг янги авлодини яратишга асос бўлади.

Бобнинг учинчи бўлими **“Ўзбек тилининг Миллий корпусида лексик синонимларни бериш масаласи”** деб номланган. Тил корпуслари – тил бўйича тадқиқот ва амалий топшириқлар ечими учун инкор этиб бўлмас иш қуроли бўлиб, тилни ўрганиш ҳамда тадқиқ қилиш учун зарур, фойдали ва қизиқарли матнларни тўплашни назарда тутди.

Бугунги кунда халқаро талаблар асосида компьютер дастурлари ёрдамида лингвистик маълумотлар базалари яратилмоқда. Хусусан, ўзбек

¹Республикада 1991 йилнинг августигача иккита мустақил ташкилот фаолият юритган: «Композиторлар уюшмаси» ва «Бастакорлар уюшмаси».

тилидаги синоним қаторларни ҳозирги замон (масалан, халқаро ЛИНГВО дастури) талаблари доирасида санаб чиқиш, изоҳлаш лингвистик компьютер дастурларнинг унумдорлигини оширишдаги долзарб масалалардан биридир. Синоним қаторлардаги сўзларни изоҳлаш қўйидаги умумжаҳон мезонлар асосида олиб борилади. Ўзбек тилида: 1. Туркуми. 2. Синонимик қатор. 3. Тарифи / изоҳи. 4. Ишлатилиши: кам, ўрта, кенг. 5. Услуби: бадий, сўзлашув, расмий, илмий. 6. Даражаси: кучсиз, нейтрал, кучли. 7. Роли: ижобий, бетараф, салбий. 8. Соҳаси (доираси). 9. Муқобили. 10. Мисол.¹ Юқоридаги 10 та тасниф асосида синонимлар базасини яратиш учун дастлаб лингвистик маълумотлар омбори яратилиб, ундан сўнг электрон дастур яратилади. Тадқиқотчи А.Эшмуминов ўзбек тилида синонимлар корпусини яратиш учун ўзбек тилшунослигида синонимия соҳасида олиб борилган тадқиқотлар ва луғатлар асосида иш кўриш лозимлигини қайд этади ҳамда ўзбек тилида синоним сўзларнинг изоҳига бағишланган луғатлар келгусида синонимларни лексик-семантик разметкашга тўлақонли хизмат қила олмаслигини таъкидлайди. Негаки, ўзбек тили синонимларига доир лексикографик асарларни яратиш у қадар такомиллаштирилмаган. Ҳолбуки, хорижий тилшунослик бу борада анча илғор эканлигини қайд қилиб ўтиб, таққос ва мулоҳаза учун “Рус тили синонимларининг луғат-тезаруси”ни келтиради.² Бу луғат структур тилшунослик тамойиллари асосида тузилган бўлиб, ўзбек тилида бундай тоифадаги луғатлар (“Ўзбек тилининг маънодош сўзлар ўқув луғати”, “Ўзбек тилининг сўзлар даражаланиш ўқув луғати”ни инобатга олмаганда) тузилган эмас. Мавжудлари ҳам соф ўқув характерида бўлиб, ўзида илмий муаммога таҳлилий муносабатни ифода эта олмайди. Ваҳоланки, синоним сўзлар бу, аниқ семантик алоқа (муносабат) асосида боғланган луғавий бирикларнинг аниқ (конкрет) тизимидир. Худди мана шу аниқ семантик алоқа асосида боғланган лексик парадигмалар, ўз навбатида, яхлит бир микротизимни ташкил қилади. Қайсики, бу микротизим доирасида ҳар бир элементнинг мавжуд маънолари билан ўзаро боғланиш (алоқа)га киришиши асосида намоён бўлади.

Боб хулосаси сифатида айтиш мумкинки, изоҳли луғатлар, жумладан, миллий адабий тилнинг изоҳли луғати халқ маданияти ва маънавиятида, айниқса, адабий тилнинг меъёрларини белгилашда ва ўзлаштиришда, нутқ маданиятини ривожлантиришда катта аҳамиятга эгадир. Сўзнинг нутқдаги позицияси унинг лексик бирикуви, семантик компонентлар бирикуви, контекстуал бирикуви билан маълум бир нутқий вазиятларда қўлланилиш имконияти асосида аниқланади.

Ўзбек тили Миллий корпусининг синоним сўзлар базасини яратишда сўз маъноси, тузилиши, ишлатилиши, келиб чиқиши, туркуми, ясалиши, рус ва инглиз тилидаги муқобили, даражаланиш қаторини аниқлаш лингвистик компьютер дастурларининг унумдорлигини ошишига имконият яратади.

¹ Пўлатов А. Компьютер лингвистикаси. -Т.:2011, - Б. 324.

²Эшмуминов А.Ўзбек миллий корпусини яратиш муаммолари // Илм сарчашмалари. -№ 6. 2019.

ХУЛОСА

1. Истиклол шарофати билан мамлакатимизда янги суверен давлатчилик шаклининг қарор топиши, дунё мамлакатлари ва халқлари билан ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий-гуманитар соҳалардаги эркин муносабатларнинг вужудга келиши, ўзбек тилининг давлат тили даражасига кўтарилиши, унинг ҳамма аспектларининг, лексикасининг бойишига, лексикографиясининг ривожланишига замин яратди. Лексиканинг бойиши ва жадал ривожланиши сўз лексик маъноларининг парадигматик муносабатларидан бири сифатида воқеаланувчи синонимга кенг йўл очди, ўз навбатида, ўз ва ўзлашма сўзлар ўзаро таъсири негизида ташкил топган синонимик қатор лексемалари семантикаси барча компонентлари (семалари), алоҳида маъно ва нозик маъно қирра(оттенка)ларининг ҳар бирини аниқлаш, ушбу лексик синонимларининг нутқий ва лисоний муносабатларини белгилаш зарурияти уларни жамланма (комплекс) методика асосида ҳар томонлама кенг ва чуқур таҳлил қилишни тақозо этди.

2. Илгари сурилган ғоя, илмий фараз, билдирилган фикр, муносабатни етарлича тасдиқлайдиган, асосли исботлайдиган, аниқ мисолларга бой кўп аспекти комплекс таҳлил амалга оширилди. Зеро, ўзбек тили лексик синонимларининг лексик-семантик тузилишини ва уларнинг ўзаро нутқий ва лисоний муносабатини, қўлланиш хусусиятларини айнан тўғри (адекват) кўрсатиш ва ўзига хослигини тасвирлаш учун бу бирликлар лексик маъносининг денотатив, коннотатив, функционал-стилистик (ва бошқа) аспектларда комплекс таҳлил қилиш зарур. Кўп аспекти комплекс таҳлил ҳар бир сўзнинг бошқа сўзлар билан бирикуви, лексик куршови аспектида ҳам ўрганиш заруриятини назарда тутди.

3. Сўзнинг лексик-семантик ва деривацион алоқасини ҳамда ясама сўз билан муносабатга киришишини, яъни ушбу сўзнинг лексик маъноси билан ясама сўз лексик семантикасининг ўзаро таъсирини, шунингдек, ушбу лексик бирликнинг у учрайдиган типик контекстлар маъносига қарама-қарши равишда ушбу лексик бирлик учрамайдиган бошқа типик контекстларнинг ўзига хос семантикасининг ўзаро муносабатини ҳам алоҳида ўрганиш муҳимдир. Бу ҳолат лексик контекстларнинг сўз лексик-семантик тузилиши ривожланишига таъсирини, бир-бирини тақозо қилишини ва бир-бирига муносабатини аниқлашга имкон беради. Шу каби лексик бирликларни кўп аспекти комплекс (жамланма) методика асосида ҳар томонлама ўрганиш ўзбек тилшунослигидаги баҳсли ва муноразали муаммони, яъни ҳозирги ўзбек тилида ўз ва ўзлашма сўзларнинг, жумладан, лексик синонимларнинг ишлатилиши, қўлланиш кўлами, лексик-семантик тузилиши ҳамда бу бирликларнинг турли луғатларда адекват акс этирилиши муаммосини ечишга ёрдам беради.

4. Сўз ўзлаштириш асосида пайдо бўлган лексик синонимларнинг нутқий ва лисоний муносабатларини кўп аспекти комплекс ўрганиш натижалари муайян бир тилнинг лексик-семантик тизимида мавжуд, этимологияси жиҳатидан турли тилларга мансуб ва ўзбек тилининг турли

ривожланиш даврида ўзлашган синоним сўзлар лексик маъносининг мутлақо бир хил бўла олмаслигини назарда тутувчи гипотезани тўлиқ тасдиқлади.

5. Сўзнинг маъноси тарихий тушунча бўлиб, у ўзгармасдан қолмайди. Унинг семантик тузилишида тил системасида мавжуд бўлган бирликларнинг бир-бирига ўзаро таъсир этувчи муносабатлари ҳам, шунингдек, тилдан ташқаридаги муҳит билан бевосита боғлиқ бўлган, тилнинг ҳар бир ривожланиш даврига хос бўлган муҳим хусусиятлар ҳам ўз аксини топади. Бу ҳолатни бир-бирига яқин ёки ўхшаш бўлган лексик бирликларни тадқиқ қилишда алоҳида эътиборга олиш муҳимдир.

6. Ўзбек тилидаги синонимияни тадқиқ қилишнинг градуонимик методологияси узоқ тарихий тараққиётга эга бўлиб, лисонда мавжуд бирор моҳиятнинг нутқда воқеланиши тавсифига янгича ёндашув имконини беради. Даражаланувчи белги остида бирлашган қаторнинг икки чекка бирлиги зидланар экан, умумий семемага эга синонимлар қаторнинг икки чеккасини ташкил этади. Системасидан узиб олинса, улар ўзаро бинар зидланаётганлигига ва зиддият денотатив сема асосида эмас, балки коннотатив сема асосида содир бўлаётганлигига гувоҳ бўлиниши кўрсатиб ўтилди.

7. Тадқиқот натижалари асосида ўзбек тили лексик синонимларини асосий денотатив маъноси бўйича мос, лекин коннотатив маъно компонентлари хусусиятлари ва қўлланиши (функционал имкониятлари)нинг ўзига хослиги билан фарқланадиган синонимлар деб тавсифлаш мақсадга мувофиқ.

8. Синонимлар контекстда бирикуви ҳамда деривацион хусусиятлари билан фарқланади. Тил тараққиёти ва лексик-семантик тизимда биргаликда мавжуд бўлганлиги натижасида синонимик қаторларни ташкил қилган лексик бирликлар ўзбек тилининг асл, бебаҳо ва нодир бойлиги эканлигини англатади. Бундай синонимларнинг пайдо бўлиши тилнинг денотат(тушунча)ни нафақат бевосита акс эттира олиш имкониятлари кенглигини, шунингдек, денотатнинг ўзигагина хос хусусиятларини - нозик маъно қирраларини тўлиқ ва айнан мувофиқ (адекват) ифода эта олишидан далолат беради.

9. Лексик синонимларнинг семантик тузилиши биринчи мартаба кўп аспекти комплекс таҳлил қилиниб, функционал-стилистик ва деривацион хусусиятлари тўлиқ ўрганилди. Сўзнинг лексик-семантик маъноси уни ўраб турган лексик қуршов ва контекст семантикасига ҳам боғлиқлиги асосланди.

10. Тадқиқот натижалари сўзнинг лексик-семантик тузилишида янги компонентларнинг (маъно нозикликлари, фарқловчи хусусиятлар, оттенкалар) пайдо бўлишида сўз усталари ҳиссаси ва ўрнининг аҳамиятини аниқлашга имкон беради. Истеъдод соҳиблари бўлган сўз усталари тил хусусиятлари ва қонун-қоидаларини ичдан ҳис қилиб, тушунган ҳолда борлиқни сўзлар воситасида аниқ ифодалаб беришга интиладилар. Тадқиқотчиларнинг вазифаси лексик-семантик маънонинг янги компонентларини илмий асосда аниқлаб, луғатларга киритилишига муносиб

кўмак беришдан иборат. Ўтказилган тадқиқотлар синонимик birlikлар маъноси структурасидаги компонентлар қаторини аниқлашга имкон беради.

11. Таҳлил қилинган лексик birlikлар семантик тузилишида уларнинг давомли эволюцияси жараёнида синонимик эквивалентлари билан бири-бирига ўзаро таъсири натижасида силжиш(кенгайиш)лар содир бўлди. Ушбу лексик birlikлар янги, турли хил семантик компонентлар билан бойиди ва сўзларнинг янги маъноларини ва уларнинг нозик маъно қирраларини ўз ўрнида ишлатиш имкониятлари яратилди.

12. Лексик синонимларнинг нутқий ва лисоний муносабатларини ўрганиш натижасида аниқланган янги маъно минимал birlikлари (семантик компонентлар) лексик маъно ва лексик-семантик парадигма билан бир қаторда ўзбек тили семантик системасининг муҳим аспектини ташкил қилади. Олинган бу натижалар ўзбек тилшунослигининг барча жабҳаларида, хусусан, лексикография, стилистика, нутқ маданияти, матн семантикаси соҳаларида ҳам ўз ифодасини топади.

13. Тадқиқ қилинган синонимик қаторлар истеъмолда кенг қўлланилиб, ўзбек тили синонимик луғатларидан ўрин олмаганлиги ишнинг долзарблигини янада оширади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.Fil.02.03 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ САМАРКАНДСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

**НАВОИЙСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ
ИНСТИТУТ**

ДАНИЯРОВ БАХТИЁР ХУДАЙБЕРДИЕВИЧ

**ЛИНГВИСТИЧЕСКИЕ И РЕЧЕВЫЕ ОТНОШЕНИЯ,
ЛЕКСИКОГРАФИЧЕСКОЕ ИССЛЕДОВАНИЕ ЛЕКСИЧЕСКИХ
СИНОНИМОВ УЗБЕКСКОГО ЯЗЫКА**

10.00.01 – Узбекский язык

**АВТОРЕФЕРАТ
ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОЛОГИЧЕСКИХ НАУК (DSc)**

Самарканд – 2020

Тема докторской диссертации (DSc) по филологическим наукам зарегистрирована за номером B2019.3.DSc/Fil178 Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан.

Докторская диссертация выполнена в Навоийском государственном педагогическом институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.samdu.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net).

Научный консультант:	Махмудов Низомиддин Мамадалиевич доктор филологических наук, профессор
Официальные оппоненты:	Элтазаров Жулибой Данабоевич доктор филологических наук, профессор Менглиев Бахтиёр Ражабович доктор филологических наук, профессор Турниёзов Нёмат Каюмович доктор филологических наук, профессор
Ведущая организация:	Ургенчский государственный университет

Защита диссертации состоится «__» _____ 2020 года в __ часов на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019.Fil.02.03 по присуждению ученых степеней при Самаркандском государственном университете (Адрес: 140104, г. Самарканд, Университетский бульвар, 15. Тел.: (8366) 239-11-40, 239-18-92; факс: (8366) 239-11-40; e-mail: rector@samdu.uz Самаркандский государственный университет, Главный учебный корпус, 105-й кабинет).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Самаркандского государственного университета (Зарегистрирована за номером ____). Адрес: 140104, г. Самарканд, Университетский бульвар, 15. Тел.: (8366) 239-11-40, 239-18-92; факс: (8366) 239-11-40.

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2020 года.
(Реестр протокола рассылки ____ от «__» _____ 2020 года).

М.К.Мухиддинов,
Председатель научного совета по
присуждению ученых степеней,
д. филол.н., профессор

А.Б.Пардаев,
Ученый секретарь Научного совета по
присуждению ученых степеней, д. филол.н.

А.Э.Маматов,
Председатель научного семинара при
научном совете по присуждению
ученых степеней, д. филол.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора наук (DSc))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мировой лингвистике одним из важных факторов является исследование языка, исходя из его специфических национально-исторических особенностей. В процессе изучения лексических синонимов возникли разные, отличающиеся друг от друга подходы, ученые обоснованно считают необходимым проводить исследования на основе не противоречащих, а наоборот, взаимодополняющих друг друга парадигм, таких как сравнительно-историческая, системно-структурная, антропоцентрическая парадигмы. Изучение языковых и речевых отношений лексических синонимов определяет развитие стремительно прогрессирующих направлений лингвистики: прагмалингвистики, семасиологии, корпусной лингвистики.

В мировой лингвистике особое внимание уделяется не только семантике слова, но и связи слова с речью конкретного субъекта, его прагматическому содержанию, аксиологической составляющей, национально-культурным аспектам. В результате, созданы предпосылки для формирования различных структур знания и выражения их в языке благодаря концептуализации проблем языка и мышления, значения слов, семических связей. Для обеспечения эффективности практического использования языковых средств научные исследования по изучению синонимов необходимо проводить исходя из национальных особенностей языка. Изучение семантико-прагматических связей синонимичных лексем является одним из актуальных вопросов современной лингвистики.

Благодаря независимости узбекское языкознание поднялось на новый этап бурного развития, значимость национально-культурных факторов определила расширение масштаба многих исследований в различных областях науки как приоритетную задачу. «Нам необходимо укреплять национальное самосознание, более глубоко изучать древнюю и богатую историю нашей Родины, активизировать научно-исследовательскую работу в этом направлении, всемерно поддерживать деятельность ученых гуманитарной сферы», что подразумевает практические результаты любых теоретических исследований. В данное время актуальными вопросами являются: изучение языковых и речевых отношений лексических синонимов узбекского языка, определение состава, структуры, парадигматических связей, семантического охвата лексем синонимического ряда, проблема синонимии в заимствованных словах, установление прагматического содержания в них, унификация и нормирование синонимов, принципы передачи синонимов в существующих словарях, а также вопрос составления нового словаря синонимов узбекского языка. С этой точки актуальность и востребованность данной работы обусловлены широким применением на практике лексем синонимического ряда узбекского языка, которые отсутствуют в толковых словарях синонимов, необходимостью многоаспектного комплексного анализа лексических синонимов, широкого

освещения функционально-стилистических и деривационных признаков последних.

Данная диссертация в определенной степени служит реализации задач, обозначенных в указе Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 7 февраля 2017 года “О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан”, постановлениях ПП-2789 от 17 февраля 2017 года “О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности Академии наук, организации, управления и финансирования научно-исследовательской деятельности”, ПП-4479 от 4 октября 2019 года “О широком праздновании тридцатилетия принятия Закона Республики Узбекистан “О государственном языке”, указе Президента Республики Узбекистан УП-5850 от 21 октября 2019 года “О мерах по кардинальному повышению роли и авторитета узбекского языка в качестве государственного языка”, Послании Президента Республики Узбекистан Олий Мажлису от 24 января 2020 года и других нормативно-правовых актах.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития и технологий республики I. «Формирование системы инновационных идей и пути их осуществления в социальном, правовом, экономическом, культурном, духовно-нравственном развитии информатизированного общества и демократического государства».

Обзор международных научных исследований по теме диссертации. В мировой лингвистике научные исследования, направленные на изучение различных аспектов лексических синонимов, проводятся в ведущих научных центрах и высших учебных заведениях, в том числе, Oxford University (Великобритания), Cambridge University (Великобритания), Humboldt Universitat (Германия), Boston University, University of New York, University of Pennsylvania, University of California (США); Indiana University (США), the University of Sorbonne (Франция), Universitat de Valencia (Испания), University of Zurich (Швейцария), Kiofo University (Япония), Australian National University (Австралия), Московском государственном университете (Россия), Московском государственном лингвистическом университете (Россия), Уральском государственном педагогическом университете, Волгоградском университете социальной педагогики, Витебском государственном университете (Беларусь); Харьковском государственном педагогическом университете (Украина), Baki Dövlət universiteti (Азербайджан), Казахском национальном университете (Казахстан), а также Ташкентском государственном университете узбекского языка и литературы имени Алишера Навои, Институте узбекского языка, литературы и фольклора АН РУз (Узбекистан).

В мировой лингвистике благодаря изучению системности речи, содействия языковых и прагматических факторов в формировании мысли, языковых и речевых отношений, лексикографического толкования лексических синонимов получены следующие научные результаты:

обоснованы лексические синонимы и закон языковой градации в синонимах; в лингвистике выявлена проблема когнитивных синонимов, близких по значению слов, лексических связей и ряда синонимических групп (Cambridge University, Англия; University of Zurich, Швейцария); изучены лингвопрагматические свойства лексических синонимов (University of Pennsylvania, University of California, США; Boston University, New York University, США; Universitat de Valencia, Испания); обосновано содействие лингвистических и экстралингвистических факторов в речевой реализации лексических синонимов, дифференциальные признаки и особенности применения в речи (Seoul National University, Корея; Sophia University, Япония); раскрыты стилистические возможности лексических синонимов в текстообразовании (University of Tokyo, Япония, Australian National University, Австралия, Oxford University Language Centre, Англия); проанализированы вопросы упорядочения и классификации лексических заимствований и их эквивалентов в национальных языках, вступающих с ними в синонимические отношения; обоснован вопрос передачи лексических синонимов в толковых словарях, в Национальном корпусе языка (Уральский государственный педагогический университет, Волгоградский университет социальной педагогики, Витебский государственный университет, Беларусь; Московский государственный университет, Московский государственный лингвистический университет, РФ); освещены окказиональные и узуальные синонимы (Харьковский государственный педагогический университет, Украина; Bakı Dövlət universiteti, Азербайджан; Казахский национальный университет, Казахстан); в лексикографическом аспекте изучены прагматические, коннотативные особенности синонимов, на примере синонимических рядов лексем узбекского языка, обозначающих предмет и его признак, рассмотрена реализация градуонимии (Ташкентский государственный университет узбекского языка и литературы имени Алишера Навои, Институт узбекского языка, литературы и фольклора АН РУз).

